



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
21-yanvar
chorshanba
№ 3 (1481)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqq boshlagan

www.uzhurriyat.uz



gazhurriyat@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

НУҚТАИ НАЗАР

АЛАМЗАДА “СОЛО”ЛАР

Халқимизда “Ўрганган кўнгил ўртанмай қолмас” деган нақл бор. Яна бир нақл қуйидагича: “Ақлсизни бошга ўргатма, текинхўрни ошга ўргатма”. Хўб топиб айтилган-да.

Бу нақллар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Қорнини бировнинг оши билан тўйдириб юрган одам ҳеч қачон ўзича ҳаракат қилмайди. “Қорнимиз билан қаерга борсак, ўша ер – бизники”, дейди. Собиқ империяни қўмсаб, уйқуси қочаётган айрим тақаббур сиёсатдонлар эса: “Саллотларимизнинг оёғи қаерга етса, ўша ер бизга қарашли” дейишдан ҳам тап тортмайди. Улар мулла ўзбекнинг “Аввал ўзингга бок, кейин ногора қоқ”, деган мақолини эшитишмаган кўринади.

Миллий ўлкалар истиқлолга эришганида собиқ марказни бундан кейин ҳам “бош ҳоким” мақомида сақлаб қолишни ҳаёл қилганлар: “Майли, қўяверайлик, бу суверенлик узоққа бормайди, бундай ўзбошимчилик миллий маҳдудликка олиб келади, илмий, маърифий дунёдан узилиш бошланади, ана ўшанда бошларини эгиб, мўминтой бўлиб сафимизга қайтиб келишади”, дея ўзларини овутишган эди.

Не бахтки, бундай бўлмади. Ўзбекистон ўзлигини таниди, ўзлигига қайтди, мустақил йўлини топди. “Ўз қобиғига ўралиб қолиб кетади”, деб баъшорат қилганларнинг кир умидлари пучга чиқди.

Аммо “Ўтиб қолгунча отиб қол”, деган ларидек, аламли вазваса ҳамон давом этмоқда. Буюк қўмсаб бошланди: “Наҳотки аввалги улуглик мавқеи, яккахоқимлик, “унтер пришибевчилик” қайтиб келмаса?” Россиялик телебошловчи Владимир Соловьёв, Александр Дугин ва уларга ўхшаш аламзада кимсаларнинг тез-тез эшитилаётган аламли “со-ло”лари шундан далолат беради.

Кўлларнинг ёдида бор. Собик иттифоқ даврида СССР Халқ депутатларининг Москвада ўтган съездида ива-новолик бир депутат аёл минбарга шахдам чиқиб, “Ўзбекистон нега бизга пахта жўнатмаяпти? Бундай қилишга уларнинг ҳақи йўқ, минглаб тўқимачиларнинг бола-чақалари бор, ахир...” деганди. Ўзбек пахтаси қандай етиштирилишини тасаввур қилмаган бу аёлни тушуниш мумкин эди. Чунки у ўша даврнинг миллий республикаларга нисбатан машъум сиёсатини тўғри деб ҳисоблаган, шу сиёсат қанотида депутат бўлган эди-да.

Бундай даъволар ҳозир ҳам қўпоққа чалиниб туради. Россиялик бир сиёсатдон: “Биз иттифоқдош республикаларни шунча йил бокдик, бизнинг ҳисобимизга яшашди, энди бўлса уларнинг тили чиқиб қолди”, деди. Бу жанобдан Ўзбекистондан сув текинга юклаб жўнатилган миллион-миллион тонна пахта билан бирга “Бухоро – Урал” газ қувури орқали Россия марказига қанча газ етказиб берганини сўрасак қандай бўлар-

кан? Бизга арзимаган чақа бериб, мўмай фойда ўзларига қолганини-чи?

Бу – олис ўтмишдан олинган эртақ эмас, кечаги кунимиз. Биз истиқлол туфайли мана шу “олтин қуллик” ис-канжасидан ҳалос бўлдик. “Пахта бу – давлатнинг сиёсати, эгнингдаги чопонни титиб, пахтасини олсанг ҳам, планни бажарасан”, деган дўқ-пўписадан қутулдик. Куз адоғида қалин қор остида қолган экин устидаги қорни арқон, отлар ёрдамида тушириб, со-вуқ урган, очилмаган виш-виш кўсакни териб келиб, печларда қуришиб, эрта тонггача чол-кампириллар билан бирга кўсак чувийшдан қутулдик. “Кампирнинг дарди ғозада” деган гўзал нақл “Кампирнинг дарди – ғўзада” бўлиб кетди.

“Соло”чиларни бугунги дунё реал-ликларидан беҳабар дейиш қийин. Бугунги Ўзбекистон аввалги, кечаги Ўзбекистон эмаслигини, эл-юрт ўз риз-насибасига эга бўлиб, дунё билан бўйлашиб, жаҳон ҳамжамиятининг маънавий илдишлари соғлом, келажақ йўли ойдин ва равшан, иқтисоди бақувват ва барқарор, тинчлик-тотувлиги, меҳр-оқибати ҳавасланарли давлатга айланаётганини улар яхши билишади. “Ўзбекистон тажрибаси”, “Ўзбек дипломатияси”, “Миллий ривожланиш стратегияси” деган тушунчалар халқаро миқёсда муҳим аҳамият касб этаётганини қўриб, билиб туришибди. Дунё давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўртақаш даллол-

ларсиз бўлаётгани ғашларини келтир-моқда. Бизнинг бундай мустақил йўли-мизни тан олишга виждонлари ожизлик қилаётир.

Бугун дунёда яшаб туриб, бугунги ижтимоий-сиёсий реалликлардан бе-хабар бўлиш мумкин эмас. Бугуннинг аччиқ ҳақиқати, кўп қутбли сиёсатнинг маъно-мазмунни шуки, эндиликда ҳеч ким дунёга ягона устун бўла олмайди. Асли устунсиз дунё бу. Инсониятнинг келажаги, ер юзида тирикликни сақлаб қолишнинг ягона шарти – тенг даража-даги манфаатли ҳамкорлик, ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш-дир. Бошқа йўл йўқ.

Сузимиз якунида бир жиддий “хато”-ликни тузатиб кетайлик. “Империяпа-растлар яна бош кўтариб қолишди” де-ган гап ўнчалик тўғри эмас. Улар ора-дан шунча йил ўтиб, энди-энди бош кўтараётганлари йўқ, ҳукмронлик қал-поғини кийган бошлари империя дав-рида қандай кўтарилган, бўйинлари қандай чўзилган бўлса, деярли ўшан-дай турибди. Аммо энди бу хархашалар ўтмайди. Янги Ўзбекистон — мустақил давлат. Жаҳонда ўз ўрнига, нуфузига эга буюк давлат. Айтганча, Соло муси-қада керак, сиёсатда эса мушкул аҳ-волни янада мушкуллаштиради.

Ахмаджон МЕЛИБОВЕВ,
“Жаҳон адабиёти” журнали
бош муҳаррири.

БОҚИЙ САТРАП



Абдулҳамид ЧҶЛПОН

ГҶЗАЛ ТУРКИСТОН

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?

Саҳар вақтида гулларинг сўлди.

Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,

Ҳаммаси маҳзун, бўлмасми дил шод?

Билмам, на учун қушлар учмас боқчаларингд?

Бирлигимизнинг тебранмас тоғи,
Умидимизнинг сўнмас чироғи,
Бирлаш, эй халқим, келгандир чоғи,
Безансин энди Туркистон боғи.

Кўзғал, халқим, стар шунча жабру жафолар.

Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин,
Қуллик, асорат – барчаси ёнсин,
Қур янги давлат, ёвлар ўртансин,
Ўсиб Туркистон, қаддин кўтарсин!

Яйрат, яшнат, ўз Ватанинг гул боғларингд.

ЎЗЛИК



ЖУРЛИК УЧУН КУРАШГАН БУЮК ПУБЛИЦИСТ

(Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 151 йиллиги)

Халқимиз донишмандларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий серкирра фаолиятининг бир йўналиши публицистикадир. У жадид мактабларини ташкил этиш, янги фанларни киритиш, ривожлантириш, зарур ҳолларда уларни мустамлакачилар таъовузидан асраш йўлида журнална ижодкордан умумли фойдаланганликларидан.

Шу боис Бехбудий публицистикасида таълим мавзуси катта ўрин тутари. Янги фанларни мактаб дастурларига киритиш, дарсликлар яратиш, уларга мос муаллим-ларни тарбиялаш ҳам унинг диққат мар-казида бўлди. “Уламо тарбияхонаси мактаб ва мадрасадир. Агарда ўшал мактаб ва мадрасада муаллим ва муаллимлари олим бўлса ва шоғирдларига кўнгли илан таълим берса, албатта, илм ҳосил қилар. Агарда муаллим(не) ўзи, ҳозирги аксар мактаб-дор ва мадрислардек, камхафсала ва ёнги камил бўлса, ёнги илми бўла ту-руб, усули таҳсилдан хабарсиз бўлса, они шоғирдлари нодон қолур”.

Бу билан нафақат мактаб, балки олий маълумот берадиган мадрасалар ислоҳига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим-лигини таъкидлади. Туркистон мадрасала-рида тафсири, ҳадис, тиб, таширх, ҳайбат, ҳандаса, иқтисод, сиёсат, география, тарих каби фанлар ўқитилмаслиги битирувчилар-нинг ҳаётда зарур бўлган билимларсиз қо-

лишига сабаб бўлаётганини танқид остига олиб, бой ва мутасаддиларни унинг олдини олишга чорлади.

“Сукут сақлаб юрверсак, беш-ўн йил-дан кейин янада нодонроқ бўлиб қоламиз, хор бўламиз. Шунинг учун ҳам жим қориш-миз етар! Диний мадраса ва мактаблари-мизни ислоҳ этайлик!”

Таълим муаммолари очиб берилган “Мажлиси имтиҳон”, “Муталаахона”, “Таҳсил ои”, “Мактабларга рухсат олмақ тариқаси”, “Миллатлар қандай тараққий этарлар?”, “Эҳтиёжи миллат” каби қатор мақолалари унинг маърифий публицистикасига мисол бўла олади.


Бехбудийнинг “Дунёда турмоқ учун дунё-вий фан ва илм лозимдур, илм ва фандан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур”, деган машҳур фикри ҳам унинг маъ-рифий публицистикасида янраган.

Баъзи мутахассислар Бехбудийнинг чор Россияси давридаги публицистикасида сиё-сий мавзу кам эканлигини ёзадилар. Аслида эса ундай эмас. Унинг сиёсий публици-стикаси “Тараққий” газетасида чоп этилган “Хайрул умуру авсатиҳо” мақоласи билан жамоатчилик эътиборига тушган (маълумки, маъзур газета ҳукумат томонидан тезда ёпилади). Бу мақоласида Бехбудий исло-мий ҳикматга таяниб, “энг яхши иш — ўрта йўлни тутиш” ғоясини илгари суради. У жа-миятдаги муаммоларни ҳал этишда ҳаддан ошиш ёки мутлақ рад этиш эмас, балки ақл,

илм ва мувозанат асосида ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлайди. Мақола жадид-чилик ғояларини тарғиб қилиб, халқни маъ-рифат, ислоҳот ва тараққиётга чақирган му-ҳим сиёсий публицистик асар ҳисобланади.

Барча жадид газеталарни тўхтатган Ни-колай ҳукумати ўз наشري ҳисобланган “Тур-кистон виллоятнинг газети”да жадид публи-цистларига ҳам гўёки майдон очади. Буни 1908 йили жадид мактабларига ҳужумлар қучайган даврдан олинган мисолда қўриб чиқамиз. Маҳаллий тилни яхши билган га-зета муҳаррири Н.Остроумов шу йили та-раққийпарварлар билан қадимчилар (ас-лида, уларнинг “Охранка” бююртмасини ба-жарган) ўртасида фитна кўзгаиди. Масалан, Раҳматулло Раҳим жадидларни нодонга чи-қариб, улар очган мактабларга қарши “Бузуқ мактаб боласи усули жадида” сарлаҳвали мақоласини чоп этади. Унга қарши ёзилган Бехбудийнинг “Таърих ва жуғрофия” мақо-ласини эълон қилади. Лекин илпоннинг ёғини ялаган миссионер муҳаррир сўзбоши ёзиб, мақоланинг “популгини пасайтириб”, ўқувчи муҳокамасига ташлашга мажбур бўлади. Шундай бўлса-да, мақола катта шов-шувга сабаб бўлган. У тезликда “Охранка” томо-нидан рус тилига таржима қилиниб, раҳба-рийатга етказилади (бу таржима ва изоҳ Ўз-бекистон Марказий давлат архивидида сақ-ланмоқда – Х.С.).

БУГУННИНГ ГАПИ



2026 йил Ўзбекистон учун сунъий интеллект (СИ)ни ривожлантиришда туб бурилиш йили бўлиши мумкин. Бундай дейишга асослар етарлича. Сўнгги йилларда давлат томонидан СИни жамият ҳаётининг турли соҳаларига жорий қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳукумат бу борада ўзига хос “йўл харитаси”ни шаклланти-риб олди. 2024 йилда эса соҳа ривожидида навбатдаги муҳим қа-дам ташланди: “Сунъий интел-лект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тў-рисида”ги Президент қарори

имзоланди. Стратегия сунъий интеллект технологиялари ёр-дамида миллий манфаатларни инобатга олган ҳолда стратегик устувор йўналишларда лойиҳа-ларни амалга ошириш, ўрта ва узоқ муддатли, шу жумладан, илмий-техникавий ривожланиш соҳасидаги вазифаларни аниқ кўрсатиб берди. Унда, жумла-дан, келгусида СИ асосидаги маҳсулот ва хизматлар ҳаж-мини 1,5 млрд долларга етка-зиш, давлат хизматлари порта-лида СИ асосидаги хизматлар улушини ошириш, лаборатория-лар ва юқори қувватли сервер-ларни кўпайтириш каби катта мақсадлар белгиланган. Шу-нингдек, соҳани тартибга солиш ва ривожлантириш мақсадида

яна бир қатор Президент қарор-лари, муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини қайд этиш керак. 2025 йилнинг 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шав-кат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ҳам сунъий интеллект мавзусига катта эъти-бор қаратилди. Сунъий идрокни ривожлантиришга Давлат раҳ-бари Мурожаатномасида ҳам сунъий интеллект мавзусига катта эъти-бор қаратилди. Сунъий идрокни ривожлантиришга Давлат раҳ-бари Мурожаатномасида ҳам сунъий интеллект мавзусига катта эъти-бор қаратилди. Сунъий идрокни ривожлантиришга Давлат раҳ-бари Мурожаатномасида ҳам сунъий интеллект мавзусига катта эъти-бор қаратилди.

АНЖУМАН

Буюк маърифатпарвар, ёзувчи, публицист, драматург ва жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 151 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида кунги кеча анъанавий ўтказиладиган анжуман — “Жадид публицистикаси ва замонавий медиа тадқиқотлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда “Jadid” газетаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференция доирасида Маҳмудхўжа Бехбудий ва жадидлар публицистик мероси, жадид матбуотининг миллий журналистикадаги ўрни ҳамда замонавий журналистика тараққиётининг долзарб масалалари юзасидан маҳаллий ва хорижий олимларнинг маърузалари тингланди.



ЖАДИДЛАР МЕРОСИ – САДОҚАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида
“Жадид журналистикаси ва замонавий медиа тадқиқотлар” мавзусида
халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Халқаро анжуманни ЎзЖОКУ ректори, профессор Шерзодхон Қудратхўжа олиб борди. У ўз сўзида шундай деди:

— Бундан 151 йил илгари 1875 йил айнан шу кун Туркистон жадидчилик ҳаракатининг тан олинган раҳнамоси, дин ва жамоат арбоби, янги усул мактаблари, миллий матбуот ва ўзбек драматургияси асосчиси, муҳаррир ва публицист, ўз эътиқоди ва адолатига содиқ, маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий таваллуд топан. Барчамизга шу улуғ кун муборак бўлсин!

Миллат тарихида шундай даврлар бўладики, у пайтда сўз – қуролга, қалам – жон фидолигига айланади. XX аср бошларида Туркистонда юз берган жадидчилик ҳаракати айнан шундай тарихий бўрилиш нуқтаси эди. Бу ҳаракатнинг йўлбошчиси, миллий матбуотимиз асосчиси Маҳмудхўжа Бехбудий номи бугун ҳам маърифат, жасорат ва фидойилик тимсоли сифатида тилга олинади.

Маҳмудхўжа Бехбудий миллий озодлик ҳаракатининг буюк намояндаси сифатида илм-фан, таълим ва тарбия, адабиёт ва санъат, матбуот соҳаларини ривожлантириш, жаҳондаги илгор тараққиёт ютуқларини ўзлаштириш орқали халқимизнинг онг-у тафаккурини юксалтириш ҳамда хурриятга эришиш йўлида ўз ҳаётини бахш этган фидойи зотдир.

Жадидлар мустамлака зулми, жаҳолат ва қора қарашлар ҳукм сурган бир шароитда миллатни уйғотиш масъулиятини ўз елкаларига олдилар. Улар яхши билардилар: халқни қутқаришнинг ягона йўли — мактаб, матбуот ва маърифатдир. Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам ана шу ҳақиқатни илк англаган зотлардан бўлиб, “ҳар бир миллатнинг тараққиёти ёки таназзули мактаб масаласига боғлиқ” эканини таъкидлаган.

Жадидлар мероси бугунги журналистика ва таълим тизими билан узвий боғлиқ. Етук журналист кадрларни тайёрлашда жадидлар қолдирган миллий журналистика мактабига суяниш зарур. Чунки жадидлар журналистикаси — ижтимоий масъулият, миллатпарварлик ва ҳақиқатга садоқат мактабидир.

Жадидлар мероси — бу фақат тарих эмас, бугун ва келажак учун сабоқдир. Миллат ўзлигини англаши, тараққиёт этиши ва дунё сахнасида муносаб ўрин эгаллаши учун жадидлар қолдирган маънавий меросга таяниш зарур. Чунки жадидлар — миллат уйғонишининг абадий мактабидир. Жадидлар бу шунчаки ўтмиш хотираси эмас, балки Янги Ўзбекистоннинг маънавий таянчи, тараққиёт ва уйғониш манбаидир. Улар

нинг ғоялари бугун ҳам бизга йўл кўрсатмоқда: зеро, тилда, фикрда ва ишда бир бўлиш — тараққиётнинг энг ишончли кафолатидир.

Конференцияда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Бахтиёр Ҳасанов жадид боболаримизнинг Ватан озодлиги, хуррият учун мислсиз азоб-қубатларни бошдан кечиргани, хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаётини, жасоратини ёшлар қалбига кўпроқ синдириш лозимлиги хусусида ўз мулоҳазаларини баён этди:



— Жадидлар мустамлака зулми, жаҳолат ва зулмат, ноҳақлик ҳукм сурган бир шароитда миллатни уйғотиш учун ўзининг жонларини қурбон қилишдан ҳам қўрқмадилар. Шу боисдан ҳам бугунги хуррият кунларига ўз-ўзидан муяссар бўлганимиз йўқ, — деди Б.Ҳасанов.

Анжуманда ЎзЖОКУ ректори Ш.Қудратхўжа қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, жадид Ватандошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишдаги самарали фаолиятини эътироф этган ҳолда Бахтиёр Ҳасановга университет “фахрий профессори” этиб тайинлангани ҳақидаги дипломни топширди.

Анжуманда ЎзЖОКУ медиа назарияси ва амалиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори Ҳалим Саидовнинг “Маҳмудхўжа Бехбудийнинг маданият либосидаги мухторияти” мавзусидаги сўзи эътиборга молик бўлди. Шунингдек, нотиқнинг Бехбудий ҳаётига

оид “Туркистон даҳоси” китоби тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

ЎзЖОКУ медиа назарияси ва амалиёти кафедраси мудир, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Садоқат Махсумованинг маърузаси эса университетда Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги махсус стипендия таъсис этилгани ҳақида бўлди. Жумладан, у шундай деди:

— Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги махсус стипендиянинг жорий этилиши — бу ёш журналистларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, миллий матбуотимиз анъаналарини давом эттириш ва жадидлар орзу қилган маърифатли жамиятни барпо этиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Мазкур стипендия совриндорлари сони 5 нафарга етган бўлиб, иқтидорли талабаларимиздан Ўғилбой Аҳмадалиева Маҳмудхўжа Бехбудий номли стипендия совриндори бўлиш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига сазовор бўлди. У бакалавриятни тугатганидан сўнг, тегишли мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз, грант асосида қабул қилинди.

Иқтидорли талабаларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган тизимли ёндашув Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида изчил амалга оширилиб келинмоқда. Зеро, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш — бу алоҳида бир шахсга эмас, балки бутун жамият ва Янги Ўзбекистон келажакига қаратилган сармоядир.

Анжуман ишида “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим Дониёров, “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари бош муҳаррири, сенатор Хусан Эрматов, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти Гулзода Соатова, Германиянинг “Johannes Gutenberg” университети (Майнц) докторанти Аъзамжон Дадаонов, ЎзЖОКУ профессори Назира Тошпўлатова, Анқара Ҳожи Байрам Вели университети профессори Зайнабиддин Абдурашидов, Қирғизия Аҳи Эвран университети иқтисодиёт ва маъмурий фанлар факультети халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Нур Сетин, ЎзЖОКУ таянч докторантлари Нигора Ёлмуродова, Мафтуна Абдукаримова ва бошқа змиёлар Бехбудий даҳоси ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари, олиб бораётган тадқиқотлари хусусида ўртоқлашди.

Мухаммадсодиқ ТўРАЕВ,
“Hurriyat” мухбири.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН ФОТОКЎРГАЗМА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунги муносабати билан Тошкент фотосуратлар уйида “Ўзбекистон армияси: кеча ва бугун” мавзусидаги фотокўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош ташкилотчилигида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ва Тошкент фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Мудофаа вазирининг ватанпарварлик тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Олимжон Ўсаров сўзга чиқди.

Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти бош муҳаррири Салим Дониёров, Халқаро Амир Темуражамғармаси раиси Мухаммад Али, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси раиси Иброҳим Валихўжаев, таниқли фотограф Абдуғани Жума сўз олиб, кўргазмада намоиш этилган фотосуратларда Ватан ҳимоячиларининг шарафли ва масъулиятли хизмат фаолияти, Ватанга садоқати ҳамда Ўзбекистон армиясининг кечаги ва бугунги қиёфаси таъсирчан тарзда акс эттирилганини эътироф этдилар.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг қўлмалли ишловлар ҳақида тўхталди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган “Ўзбекистон армияси: кеча ва бугун” мавзусидаги фотосуратлар кўрик-танлови ғолибларининг 100 га яқин фотосуратлари намоиш этилди. Шарафли бурч эгалари — тинчлигимиз посбонларининг фаолияти акс этган асарлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.



ЯНГИ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

Навоий шаҳридаги Матбуот уйида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ҳузуридаги Кенгашлар раислари иштирокида 2025 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Уюшма вилоят бўлими раиси Отабек Аспонов ўтган йил давомида журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган ишлар, белгиланган вазифалар, режалар хусусида сўз юритди. Шунингдек, бўлим қошидаги Кенгашларнинг йил давомида олиб борган ишлари атрофида таҳлил этилди.

Йиғилиш давомида сўзга чиққан Фахрий журналистлар кенгаши раиси Иброҳим Жумаев вилоятда ОАВ соҳасида узоқ йиллик тажрибага эга фахрий ва фаол журналистларни эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор тадбирларни амалга ошириш билан биргаликда, тизимдаги ёшларга ҳам эътибор қаратилаётгани хусусида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда Уюшма вилоят бўлими фаолиятини янада жонлантиришда Кенгашларнинг кўмаги, қўллаб-қувватлаши зарурлиги таъкидланди. Шундан сўнг сўзга чиққан Журналист аёллар кенгаши раиси Дилфуза Гулямова, Ёш журналистлар кенгаши раиси Санжар Қурбонов, Экология масалалари кенгаши раиси Ўралои Турдиева Уюшма вилоят бўлимини янада ривожлантиришга қаратилган ўзларининг янги таклиф ва ташаббусларини илгари сурдилар.

Ўтган йил давомида Уюшма вилоят бўлими билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйгани, уюшма тадбирларида ўз ғоя ва ташаббуслари билан фаол иштирок этгани ҳамда Уюшма вилоят бўлими лойиҳаларини яқиндан қўллаб-қувватлагани учун бир қанча фаол Кенгаш раислари Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлимининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, Уюшма вилоят бўлими томонидан 2026 йил давомида амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар юзасидан ҳам келишиб олинди.



ИЖОДКОРГА ЭЪТИБОР — ЭНГ КАТТА СОВҒА

Уюшманинг Самарқанд вилояти бўлими томонидан журналистика соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатган, ёшларга намуна бўлиб келаётган фахрий ижодкорлар салоҳиятидан фойдаланиш, тажрибасини ёшларга ўрнатқилиб кўрсатиш мақсадида жойларда турли тадбирлар, хусусан, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Ана шундай учрашув тадбирларидан бири ўзининг 65 ёшини қарши олган, айни пайтда “Самарқанд” газетасида фаолият кўрсатиб келаётган, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Қувондиқ Халилов иштирокида ўтказилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Акрам Ҳайдаров устоз ижодкорни табриклаб, кўп йиллик журналистик тажрибага эга Қувондиқ Халиловнинг соҳадаги фаолияти ва йиллар давомида эришган ютуқлари ҳақида тўхталиб ўтди.

— Бу эътибор менинг ижодга бўлган меҳримни янада оширди, — дея ўз хурсандлигини билдирди Қувондиқ Халилов. — Мен ҳали-ҳамон ижодда изланиш, профессионал журналист бўлиш ҳаракатидаман.

Учрашув давомида тажрибали журналиста Уюшма вилоят бўлимининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди.



ЗАМОНАВИЙ МЕДИАМАРКАЗЛАРГА ОИД РИСОЛА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети доценти в.б. (PhD) Руслан Арзиевнинг “Қорақалпоғистон Республикасида замонавий медиамарказларнинг ижтимоий фикрни шакллантиришдаги ўрни” монографияси чоп этилди.

Ушбу монографияда Қорақалпоғистон Республикасида замонавий медиамарказларнинг ижтимоий фикрни шакллантиришдаги ўрни илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Медиамарказларнинг ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни бошқариш, жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги функционал вазифалари очиб берилган. Худудда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформаларнинг фаолияти ўрганилиб, уларнинг ижтимоий ҳаётга таъсир даражаси баҳоланган.

Таъкидлаш жоиз, бунга қадар Руслан Арзиевнинг қорақалпоқ миллий матбуоти тарихига оид “Қорақалпоғистон журналистикасининг тарихи” (2015) китоби ҳам чоп этилган.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

рақамли трансформациядан минтақа лидерлиги сари

1-6. Президент Мурожаатномаси — бу фақат йиллик ҳисобот эмас, балки давлатнинг кейинги йил учун белгилаб олган стратегик вазифаларининг муҳим ҳужжати ҳамдир. 2026 йил бўйича режаларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири — Президент нутқида сунъий интеллект давлат сиёсатининг бошқа муҳим масалалари қаторида, мавҳум кўринишдаги “келажак технологияси” сифатида эмас, балки ҳисоблаш қувватлари, миллий дата-марказлар, тадқиқот лабораториялари, йирик инвестициялар ва турли тармоқларда амалга ошадиган реал лойиҳалар кўринишида тилга олингани бўлди. Бунда “сунъий интеллект” сўзи Мурожаатнома матнида 10 мартаба қўлланилганини алоҳида қайд этиш керак. Мазкур факт ҳам СИ технологиялари давлатимизнинг технологик сиёсатида стратегик ривожланиш режаларининг асосий мақсадларидан бирига айланганини кўрсатади. Глобал технологик рақобатнинг кундан-кун кучайиб бораётганига, жаҳон сиёсатида юз бераётган сўнгги воқеа-ҳодисаларга яқиндан назар ташлаган киши СИ бўйича сиёсатнинг нақадар тўғри, ўз вақтида амалга оширилаётганини тушуниб етати. Эеро, дунё сиёсатида мамлакатлар ўртасида тобора ишончсизлик ҳисси ортиб бораётган, глобал ҳамкорликдан кўра рақобат муҳити ҳукмрон, технологик тараққиёт даражаси мамлакатларнинг ҳаёт-мамотига айланган бир пайтда технологик юксалиш масаласига эътибор ҳар қандай давлат ривожидида фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон айнаи мана шу жараёнларни бугун теран англаб етмоқда. СИ шунчаки технология эмас, иқтисодийёти ҳаракатга келтирадиган, ҳақиқий фойда олиб келувчи стратегик ресурс сифатида қаралмоқда. Фикрларимиз Президент Мурожаатномасида тўлиқ ўз тасдиғини топган. Давлат раҳбари ўз нутқида хизматлар соҳасида “АТ, сунъий интеллект, финтех” каби катта даромад келтирадиган сервисларни кўпайтириш иқтисодийёт ҳажмини ошириш, уни келгуси 5 йилда 240 миллиард доллардан оширишда муҳим ўринга эга эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Бугун сунъий идрок ривожига бўлган катта эътиборнинг асосий сабаби шуки, сунъий интеллект эндиликда “инновациялар витринаси”даги намунавий лойиҳа эмас, балки жамият ҳаётининг муҳим соҳаларида амалий натижа бериши керак бўлган давлат сиёсати инструментиға айланмоқда. Энди технология ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб бориши, режалардан амалий натижаларга ўтишимиз керак. Шундай экан, 2026 йил Ўзбекистонда СИ ривожидида лойиҳа ва амалиёт бир бутунликда, узвий амалга оширилишини таъминлаш лозим.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон рақамли трансформация, айнққса, сунъий интеллект соҳасида сезиларли ютуқларга



эришди. Бунн нуфузли халқаро ташкилотларнинг ҳисоботлари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Ўзбекистон сунъий интеллектга тайёргарлик халқаро индексидида катта натижа қайд этди. Ватанимиз 2024 йилда мазкур индексда 17 поғонага юқорилаб, дунё мамлакатлари орасида 70-ўринни банд қилган эди. 2025 йилда эса яна 8 поғонага юқорилаб, 62-ўринни эгаллади. Шунингдек, Ўзбекистон Жаҳон банки томонидан тайёрланган “Gov Tech Maturity Index 2025” (Ҳукуматнинг технологик етуқлик индекси)да давлат рақамли технологияларининг етуқлиғи энг юқори бўлган мамлакатларнинг А гуруҳига киритилди. Бунда мамлакатимиз азалдан рақамли давлат хизматлари соҳасида эталон бўлиб келган Жаҳубий Корея, Австралия, Канада, Япония ва Европа Иттифоқи давлатлари қаторидан жой олди. Мазкур индексда Ўзбекистоннинг эътироф этилиши охириги пайтда давлат бошқарувини рақамлаштиришда эришилган сезиларли ютуқларнинг амалий натижасидир. Мамлакатимизда рақамли давлат хизматлари, электрон ҳукуматни янада ривожлантириш, бу борада сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам СИ ривожн бўйича қатор режалар, катта мақсадлар эълон қилинди. Хусусан:

2025 йилда АТ, финтех, сунъий интеллект каби йўналишлардағи маҳаллий стартапларга хориждан 270 миллион доллар инвестиция жалб қилингани, кейинги йилдан бошлаб “Рақамли стартаплар” дастури кенгайтирилиб, стартап ғоясидан экспортгача кўмаклашадиган янги тизим йўлга қўйилиши маълум қилинди. Хусусий стартап марказларини ташкил этиш истагидатилар учун Ёшлар жамғармасидан беш йил муддатга 5 миллиард сўмгача фоизсиз ссуда берилиши, ОТМларнинг ўзида қоладиган маблағларнинг 10 фоизи ҳам инкубация марказларини ривожлантиришга йўналтирилиши эълон қилинди.

Давлат раҳбари томонидан 2026 йилда Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та “Дата-марказ”, 2 та суперкомпьютер ва 15 та

олийгоҳда сунъий интеллект лабораторияси фаолияти йўлга қўйилиши эълон қилингани СИ ривожидида айнаи кутилаётган муҳим янгилқлар бўлди. Сабаби, бу қадамлар технологиянинг мамлакатимизда тезкорлик билан ривожланишида муҳим бўлган инфратузилма масаласини ҳал қилишга катта ёрдам беради. СИ лабораторияси эса тиббиёт, транспорт, қишлоқ хўжалиғи, геология, банк-молия, жамоат хавфсизлиғи каби муҳим соҳаларда 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Президент нутқида СИ соҳасида изланиш олиб бораётган ёшларни ва уларнинг истиқболли лойиҳаларини қўлаб-қувватлаш мақсадида Рақамли технологиялар маркази ташкил этилиши, унга 200 миллион доллар маблағ ажратишлининг эълон қилиниши соҳа ривожидида муҳим қадамлардан бири бўлди, деб ишонч билан айта оламиз.

Мурожаатномада, шунингдек, электрон ҳукуматни ривожлантириш, одил судлов жараёнини ташкил этиш каби ишларда сунъий интеллект жорий этилиши эълон қилинди. Президентимиз маърузасида таъкидланганидек:

“2026 йилдан бошлаб Электрон ҳукумат платформаси тубдан янгиланади. Энди барча давлат идораларининг 1 мингдан зиёд давлат хизматлари; 5 мингдан ортиқ функция ва вазифалари; 200 та маълумот базаси ва ахборот тизими; 100 мингдан зиёд давлат хизматчисининг маҳалла, туман, вилоят, республика даражасидағи ваколатлари Ягона рақамли платформага интеграция қилинади. Платформага келиб тушган мурожаатлар, уларни ижрочиларга тақсимлаш ва қўриб чиқиш муддатини назорат қилиш сунъий интеллект орқали амалга оширилади”.

Мурожаатномада эълон қилинган сунъий интеллект билан боғлиқ муҳим янгилқлардан яна бири — одил судловни ташкил этишда СИни кенг жорий этиш бўлди. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашчига, терговни рақамлаштириш, жиноят бўйича иш юритиш жараёнларида СИ технологиялари жорий қилиниб, инсон омилн қисқартирилади. Шу билан бирга суд қарорлари ижросини таъминлашда, мажбурий ижро жа-

раёнига самарали муқобил механизмларни киритиш ишлари доирасида соҳа сунъий интеллект жорий этилиб, келгуси икки йилда ижро ҳаракатларининг 30 фоизи инсон омилсиз амалга оширилади.

Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича Мурожаатномада эълон қилинган бундай муҳим ташаббус ва аниқ режалар шу ўринда қуйидағи ҳулосаларни қилишга имкон беради:

Биринчидан, СИ сиёсати мавҳум “концепция” кўринишидан амалий ҳаракатлар, аниқ стратегияга асосланган институционал сиёсат даражасига кўтарилмоқда. Баҳоси жуда юқори бўлган дата-марказлар қурилиши ва суперкомпьютерлар харид қилиниши СИни реал тармоқларга олиб кириш учун асосий таянч ресурс бўлиб хизмат қилади.


Иккинчидан, давлат СИни хизматлар иқтисодийётининг юқори даромадли сегменти сифатида қўриб, АТ экспорти ва стартап экотизими масаласига катта эътибор бермоқда.

Учинчидан, СИ энди оддий АТ технология эмас, саноат 4.0, финтех, жамоат хавфсизлиғи, транспорт ва ҳатто космик соҳа билан кеишувчи кўп тармоқли стратегик технология сифатида қўрилмоқда.

Мурожаатномада эълон қилинган режалар амалга ошса, 2026 йилда сунъий интеллект соҳасида катта ўзгаришлар юз беришни кутиш мумкин. Айнққса, дата-марказлар ва суперкомпьютерлар ишга тушиши СИ лойиҳаларини фақат хориқ платформаларига таяниб эмас, балки ички ҳисоблаш қувватлари асосида синовдан ўтказиш ва амалга оширишга имкон беради. Бу, айнққса, давлат секторидидағи махфий маълумотлар (тиббий маълумотлар, хавфсизликка оид маълумотлар) билан ишловчи тизимлар учун муҳим аҳамиятга эға.

Умуман олганда, Президент қарорлари, технологияни ривожлантиришдағи фаол ва марказлашган ёндашув Ўзбекистонда СИни жорий қилишни тезлаштиришга қаратилган кучли сиёсий ирода мавжудлиғидан далолат беради. Бундай марказлашган стратегик ривожлантириш бошқа мамлакатларда кузатилаётган фрагментал (узўқ-юлук) ёндашувдан фарқли равишда, соҳадағи сиёсатни тезкорлик билан амалга оширишга ва ресурсларни тақсимлашга имкон беради. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг СИга тайёргарлик масаласида минтақавий етакчиға айланаётганини кўрсатади. Бундай ёндашув бошқа давлатларда кузатилаётган мутлақ бозорга асосланган ёки фрагментланган стратегиялардан фарқ қилади ва Ўзбекистонга тегишли сиёсатни амалга оширишда катта афзаллиқларни тақдим қилади.

Авазбек ШЕРМАТОВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази ҳузуридағи Ижтимоий-
маънавий тадқиқотлар институти илмий
ҳодими.



ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиғи, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинлиқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар айрим жазо чораларини қилмишининг хусусиятиға, жазолашдан қўзланган мақсадға эришиш учун етарлилиғиға қараб қайта қўриб чиқиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда ўтган йил 10 июль куни “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидағи кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидағи кодексига айрим ҳуқуқбузарлиқлар учун қилмишининг хусусиятидан, жазолашдан қўзланган мақсадға эришиш учун етарлилик нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда маъмурий жавобгарликни бекор қилишга қаратилган тегишли ўзгаришлар киритилди.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлиқлар тўғрисидағи ишларни юритиш амалиётига **хусусий айблов институтини жорий этиш назарда тутилди**.

Шу муносабат билан маъмурий ҳуқуқбузарлиқлар тўғрисидағи айрим тоифадағи ишлар фақат жабрланувчининг аризасига кўра юритилиши белгиланди.

Қонун билан МЖТК 269³-модда (Жабрланувчининг аризасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритиш) билан тўлдирилиб, ушбу Кодекснинг 40, 41, 44, 45, 46, 46¹, 52-моддаларида, 61²-моддасида (бундан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мустасно), 193³-моддасида ҳамда 202²-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлиқлар жабрланувчининг ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортиш ҳақидағи аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақидағи қоида киритилди.

Шунингдек, жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиғи, вояға етмаганлиғи, ҳуқуқбузарға қарам бўлганлиғи туфайли ёки бошқа сабабларға кўра ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда ваколатли органнинг мансабдор шахси жабрланувчининг аризасисиз ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидағи ишни юритишни бошлаши шартлиғи назарда тутилди.

Бундан ташқари, МЖТКнинг 61-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида ва 61²-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлиқ устав фондида давлат улуши мавжуд бўлмаган корхонаға, муассасаға, ташкилотға нисбатан унинг ҳодими томонидан содир этилганда мазкур корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органнинг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлиши билан боғлиқ норма қабул қилинди.

Ушбу Қонун ҳуқуқий таъсир чоралари асоссиз қўлланилишининг олдини олишға, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлиқларининг кафолатларини янада кучайтиришға хизмат қилади.

Отабек РАВШАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма прокурори,
Рустамжон ҚУВАНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи.

ФАОЛИЯТ

МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯ — МАЖБУРИЯТ ЭМАС, АММО...

Куни кеча Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ҳамда Термиз давлат университети ҳамкорлиғида видеоконференция шаклида ўтказилган кенгайтирилган йиғилиш олий таълим муассасаларини миллий ва халқаро аккредитация жараёнларига тайёрлаш, таълим сифатини ошириш ҳамда замонавий талаблар асосида фаолият юритиш масалаларига бағишланди.

Унда олий таълим муассасалари олдида турган устувор вазифалар, соҳадағи янги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси, таълим натижасига йўналтирилган ёндашувни жорий этиш, шунингдек, халқаро стандартларға мослашмиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Миллий ва халқаро аккредитацияға тайёргарлик масалаларига бағишланган маърузаларда аккредитация жараёнларига расмий текширув сифатида эмас, балки университетларнинг ички ривожланишини таъминловчи самарали механизм сифатида ёндашиш зарурлиғи таъкидланди.

— Аккредитация — бу назорат эмас, балки тараққиёт воситаси, университетнинг ўз-ўзини ҳолис баҳо-

лаши ва келажак ривожн йўл харитасидир, — дея қайд этди Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ректори Расул Тўраев ўз маърузасида.

Йиғилишда, шунингдек, аккредитация жараёнларига тайёргарликда кафедралар, профессор-ўқитувчилар ва таълим сифатини назорат қилувчи тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиғи ҳал қилувчи аҳамиятға эғалиғи алоҳида таъкидланди. Таълим дастурларини

қайта қўриб чиқиш, силлабусларни янгиллаш, баҳолаш тизимини шаффоф қилиш ҳамда академик ҳалоллиқни таъминлаш умумий вазифа экани қайд этилди.

Йиғилиш доирасида Жанубий Кореянинг Сежон университети профессори О.Жўраев томонидан олий таълимда сунъий интеллект ва замонавий ёндашувлар мавзусида маъруза тақдим этилди. Унда таълим жараёнида рақамли технологиялардан

фойдаланиш, талабалар билим ва компетенцияларини аниқ натижалар асосида баҳолаш, шунингдек, халқаро аккредитация талабларига мос таълим моделлари ҳақида сўз юритилди. Мазкур тажрибани маҳаллий таълим тизимига мослаштириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, Термиз давлат университети таълим сифати назорати бўлими томонидан миллий аккредитация тизими, унинг асосий талаблари ҳамда амалиётда учрайдиган муаммолар юзасидан батафсил маълумот берилди. Таълим сифатини баҳолашда ҳужжатлардан кўра, реал натижа, дарс жараёни ва талабалар фикри муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

— Бу йиғилиш аккредитацияни фақат раҳбарият ёки текширувчи органлар фаолияти сифатида эмас, балки ҳар бир ўқитувчининг кундалик иши билан бевосита боғлиқ жараён эканини яна бир бор кўрсатди. Айнққса, халқаро тажрибада илгари сурилаётган “Битирувчи нима қила олади?” деган ёндашув биз учун жуда муҳим синал бўлди. Энди дарс мазмунини, баҳолаш тизими ва талабалар билан ишлаш услубини айнан шу нуктаи назардан қайта қўриб чиқишимиз зарур, — деди Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети



катта ўқитувчиси А.Эшқораев.

Бир сўз билан айтганда, кенгайтирилган йиғилиш миллий ва халқаро аккредитация жараёнлари олий таълим муассасалари учун мажбурият эмас, балки сифатли таълимни таъминлаш, рақобатбардош битирувчиларни тайёрлаш ва жамият ишончини мустаҳкамлашға хизмат қилишини яна бир бор намоён этди.

Белгиланган вазифаларни изчил амалға ошириш орқали университетларнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига ишонч билдирилди.

Захириддин ТЎРАЕВ,
Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети
Ахборот хизмати раҳбари.



ЎД ЭТИБ

ҲАМ СУРУРЛИ, ҲАМ МАҲЗУН СУҲБАТЛАР...

(Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли телережиссёр Қўзижон Ҳакимовни эслаб)

Хотира руҳидаги кўрсатувлар тайёрлаётганимизда, Озод домла (Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов — И.Р.) — ҳеч бири бу қадар мураккаб бўлмаган ХХ асрда яшам ҳам "...умрида ҳеч кимни ҳеч қачон сотмаган" дея Мақсуд Шайхзодани, унинг машҳур мисрасини эслардилар:

Ўлганда юз соат йиглаб тургандан, — Уни тиригида бир соат йўқланг!

Кексалик заҳмати ва хасталик азобини ижодни англаш бахти билан енгашга интилган донишманд устоз, охирагингиз обод бўлиши!

Дунёнинг ўткинчилиги-ю, меҳр-муҳаббатнинг буюк тилсимидан оғохлангирлардиган гўё... Орадан деярли қарийб чорак аср ўтган бўлса-да, бу сўзларнинг биллурий жаранги худди кечагидай ёдимда. Ушанда тушунмаган эканман. Мана, ҳозир кўзимда ёш билан эспаялман ўша кунларни. Шу қулиб турган Қўёшнинг бир кун келиб, ёниб кетиши-ю, олам зулматда қолиб кетиши, шу чексиз коинотда думалаб-сумалаб, қанчадан-қанча азобу уқубатни-ю хиёнатни, муҳаббатни, инсоний шодликларни юк қилиб қолиб бораётган замин — Ер қурагининг ҳам бир кун келиб, қақмоқ қаққандек портлаб, йўқ бўлиб кетишини... Ўйлаيمان мен ҳам. Мусулмонман ахир, собитман, собирман... Аллоҳим, ўзинг кечир, гуноҳларим бор менинг ҳам эътиқодимда, кемтикларини тўлдири!..

Дунёнинг омонатлигини ўйларкансан, одамлар олдидаги масъулиятни ҳис қиларкансан олтимш ёш арафасида... Бир оғиз ширин сўз, қиройли табассум сенга юзма-юз бўлган ИН-СОН зотиға қанчалик куч-қувват, бахт ва ҳаяжон лаҳзаларини келтира олишини, шуни бир умр билмай кўр бўлиб, гоҳида бақрайиб, гоҳида терс ўгирилиб кетганинга, "мағрур", "ялтироқ", "биллур" бўлиб яшаш нақадар нотўғри эканлигига афсуслар чекасан... На-чора, ортага қайтариб бўлмайдиган нарсалар ҳам бор бу оламда...

Эй, дунёй дун...

Шоир Рамз Бобожон эса: "Хотира — иккинчи умр", дегувчи эдилар. Чунки хотира билан яшайсан, унга суянасан, мадад оласан. Инсон айнан хотираси тўғайли жониворлар дунёсидан фарқланади. Лекин илм-фан буни исботлаган экан. Шундаймикан ўзи? Айтмагоч асарларига эса бошқа ҳолат... Одамлардан кўра меҳрибонроқ, оқибатлуроқ бўрилар...

Турфа одамлар, турли воқеа-ҳодисаларга дуч келганимизда, устозимиз Қўзижон ақалини эспайман. Содда, тўғриси, куйди-пишди, меҳрибон инсон эдилар... Согонаман. Юрагимга оғриқ

кириб кетади.

Ўзбек халқи бой маданиятининг ҳақиқий тарғиботчиси, телевидение ри-вожиға садоқат билан хизмат қилган, юзлаб кўрсатувлари Ўзбекистон теле-видениеси "Олтин фонди"га киритилган, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли телережиссёр Қўзижон Ҳакимовнинг ижодий фаолиятидан, бадиий маҳоратидан қанчалик озиқланган бўлсам-да, бир сатр ҳам қораламаган эканман. Афсуски...

"Устоз отангдан улуғ"... Халқимиз мақолининг туб моҳиятини Афлотунда учратаман: "Отанг сени осмондан ерга туширган, устоз эса сени ердан кўкка олиб чиқади". Қўзйов ака бизда теле-видение истикболини кўрган, эртанги кунга ишонган — отадай меҳрибон, отадай бағрикенг устоз эдилар.

"Телевидение!" Биз иш жойимиз ҳақида шундай маълумот берамиз. Ил-гари бу оҳанрабои унча тушунмас-дим. Нега бу ерга ҳамма таппинади, дея ўйлардим. Тан олиш керак, теле-видение шундай жойки, оддий шифо-кор ё ўқитувчи меҳнатидан кўра, ҳатто газета ва радиодаги қаламқашлардан ҳам ишингиз тез кўринади. Аслида, ўзингизга юклатилган юмушнингина бажаргансиз, холос. Лекин одамлар сизга катта бир ишни дундириб қўйган кишидек қарашади...

Тўғри, бугунги кунга келиб, глобал-лашув боис биз аёнанавай ОАВ янги телекоммуникация воситалари — ин-тернет сайтлари, ихтимой тармоқ-лардан кўп жиҳатларда орта қоял-миз. Лекин барибир телевидение — мўъжиза, у хонадонимизнинг азиз меҳмони, уйимиз тўридан пастга туш-майди, кўзни оғритмайди, ишончли, қадрдон! Ахир Тошкентда тутилган у, келажига анчайин умид уйғотаяпти. Ҳар ҳолда, мен шундай умид қила-ман. Муҳтарам Юртбошимиз ахир Му-рожаатномаларида айтдилар-ку: "Сўз эркинлиги ва очиклик сиёсатидан энди ҳеч қачон орқага қайтмаймиз", деб. Бу сўзлар жаранги ҳали-ҳануз қулоқлари-мизда. Раҳмат сизга, Президент!

Чиндан ҳам телевидение — мўъжи-задир, ахир қаерга борсангиз, дунё-нинг қайси давлати, меҳмонхонасига кирсангиз ҳам биринчи бўлиб пултыга ёпишмайсизми? Шахсан менда шун-дай. Озод домла китобни "биринчи мўъжиза" деб атаганлари ҳолда, мен дунёнинг еттинчи мўъжизаси — Миср эҳромлари олдиға борганимизда, уни тан олган ҳолда, барибир: "Кечиринг мени, Миср эҳромлари, сизларнинг мўъжиза эканлигизга шубҳам йўқ, ле-кин мен учун телевидение — мўъжи-задир", деб баралла айтиб келдим.

Қўзйов акани (у кишини шундай атардик. Аслида, исмлари — Қўзи-жон — И.Р.) илк бор 1989 йилнинг ян-варига одатдаги ҳафталик мажлисда

кўрганман. Озгин юздаги ичига кириб кетган ияклар ниҳоятда жиддий тус берса-да, меҳр-муҳаббат тўла катта-катта кўзлари қиёфани истарали қи-либ кўрсатарди. "Эй, кўзингни очиб қара, пушти кўзойнақларингни еч, унга яқинлаша кўрма-я, балога қола-сан! Жуда инжиқ, бақироқ одам", "...бир жанжал кўтарса, телестудиянинг томини кўтариб юборади", деган оғоҳ-лантиришларни ҳам эшитганман. Ле-кин ишим қоришмай, тушкунлиққа ту-шиб юрган кезларимда биринчи бў-либ менга ёрдам қўлини узатган, иш ўргатган ҳам ўша "машҳур жанжал-каш" Қўзйов ака бўлган. Ҳатто му-раккаб жанрдаги видеофильмларга сценарийлар ёзишни ҳам ишонганди-лар. Ўша йиллардан хотира — талай видеофильмларимиз "Олтин фонд"да қолди. Яна... яна театрлаштирилган катта байрам томошаларини яратиш бўйича шундай кўп маслаҳатлар, та-всиялар, йўналишлар берганлар. Ахир байрам дастурларини 70-90-йилларда улар тайёрлаганлар. "Юлдуз-шоу" эсингиздами 1999 йил Янги йил оқшо-мига тайёрланган?..

"Илмира, сиз кўрсатувни тайёр-лаяписми, ёзув жараёни, тафсилот-ларни, воқеа-ҳодисаларни ипидан-иг-насиғача хаёлингизга дур маржонлар-дай тизиб чиқишни ўрганинг. Дафтар тутиб, ҳаммасини ёзиб бориңг. Қайта-қайта қуришдан эринманг, монтажда дублларнинг энг яхшисини олишга ҳа-ракат қилиңг", дердилар. Устозимиз шогирдларининг ҳаммасида нафақат телевидениега, балки ҳаётга ҳам ҳа-лол муносабатни тарбиялар ва талаб қиларди.

— Байрам дастурларини ёзишда биргина концерт дастурини бир смена ёзган пайтлари ҳам бўлган. Маъмура Эргашева, Шерали Жўраевлар "бошқа ёзманг, чарчаб қолдик" деб ўтириб қо-лишган пайтлар бўлган, — дея эсла-ганди устоз Анбара Отамуродова. — Дубль устига дубль... Яхши иш учун вақтни ҳам, соғлиқни ҳам аямасдилар. Ўзим ҳам гувоҳман. Санъаткорлар йиғлаб ҳам юборишарди баззан... Асаблар қақшаб кетса-да, ўзлари ҳам, гуруҳ ҳам жойидан жилмасди. Монтаж хонасида қарийб икки кунлаб қолган дамлари ҳам бўлган...

Барча Қўзйов аканинг катта истеъ-дод соҳиби эканини, телевидение фа-қат шундай одамлар эвазига яшагини яхши биларди. Лекин 1980 йилнинг Янги йил оқшомида кетиб қолган "сиё-сий хато" учун уларни катта идорага "асл айбдор" сифатида олиб бориш-ган ва "қўлидан иш келмаса, бу жойни бўшатиб қўйиш кераклигини ўқтириш-ган" ва ариза ёздириб, қўчага улоқти-риб юборишган экан. Ушанда биринчи инфарктни олган эканлар бечора ус-тозимиз.

Қўзйов ака некбин шахс бўлиб, ҳеч оғриниб гапирмасди. Бу телере-жиссёр тасвирга туширмаган бирор-бир санъаткор йўқ эди. Ҳамма-ҳам-мани... истеъдоди ялт этган қўшиқчи ёки раққоса чиқса, халққа унинг санъ-атини кўрсатишга интиларди. Чина-кам хайрихоҳлик билан қарарди. Ле-кин инжа кўнглининг раъйига қарши борилмасди. Фақат у танлаган одам-ларгина тасвирга олинарди.

Ўша пайтдан буён ҳали-ҳануз бир афсона юради. 1976 йил. Навбатдаги "сьёмка"дан сўнг машҳур бир артист "Халқлар дўстлиги"даги квартиралар-ига олиб бориб, "Жигули"сининг ка-литини тутқазибди: "Қўзйов ака, сизга раҳмат, сиз тўғайли шу дара-жага етдим, машҳур бўлдим, мен ян-гисини оларман".

Режиссёр эса инкор маъносиди бош чайқаган...

Шунақанги ҳалол инсон эдилар. 1990 йили устозга "Ўзбекистон Рес-публикаси санъат арбоби" деган юксак унвон берилганида ҳаммамиз хурсанд бўлганмиз. Телестудиянинг ҳамма хо-наларида байрам бўлиб кетган. Дик-торлар ҳам хурсанд, фаррошларгача ҳамма хурсанд бўлган. Ҳамма-ҳамма-миз байрам қилганмиз. Хоналардан фақат яхши сўзлар, тилақлар эши-тилган. Ота-онам ҳам: "Ҳақиқий яхши одам олди-да", дейишган. Шу воқеа чин истеъдоднинг ҳақиқий маънода тан олиниши эди.

1989 йилнинг ноябрь ойидаги во-қеани ёдга олай. Мамлакатимизнинг ўша пайтдаги раҳбари Исрол Каримов республика пахта режаси бажарилиши муносабати билан ёзилган байрам дастурининг барча ижодкорларни Марказий идорага тақлиф қилганла-рида, суҳандон Раъно Жўраевага қа-рата: "Эфирдагидан кўра ҳам жозиба-дор экансиз", Қўзйов акага эса: "Ҳеч ўзгармасиз, ўша Қашқадарё театрига янги келган пайтингиз қанақа бўлсан-гиз, ҳали ҳам шундай қолибсиз", де-ган эканлар. Айтишларича, муҳтарам шахснинг бу гапларидан ҳаяжонланиб кетиб, Қўзйов ака ўринларидан ту-ришни ҳам билмай, кейин бу ҳолатни қулиб-қулиб эслаб, "Эсларида экан-ман!" деб гапирётганда ҳам: "Юрт-боши-да... салавотларидан ҳаяжонла-ниб кетдим..." деб: "Мана, ҳозир ҳам шу воқеани эсласам, оёқларимгача титроқ босади", дердилар. Аҳ, усто-зим-а... Шунақа самимий бўлганлар менинг устозим!.. Эътирофдан фахр-ланар, ишлари халққа манзур келаёт-ганидан хурсанд бўлар, раҳматларни қувониб эшитар, сўнг ўзига хос тарзда алқаб қўядилар. Назаримда, яна ҳам яхши ишлашни истардилар. Сўнгги йилларда Мустақиллик ва Наврўз бай-рамларининг трансляцияларида жон-жаҳдларини бериб ишладилар.



Мустақилликнинг ўн тўрт йиллик байрам тантанасида мен ҳам ўша бош майдонда эдим. Улкан сахна-даги томошани биринчи маротаба ку-затардим-у, юрагимнинг бир четига — майдоннинг ёнгинасида турган кўча телевизион станцияда устозим иш-лаётгани, бир вақтнинг ўзида катта майдонни қамраб олиш, бир неча ўн-лаб камералар муҳрлаётган тасвир-нинг энг гўзали, энг жозибадорини, энг таъсирчанини кўздан қочирмаслик, жуда катта гуруҳни дирижёр сингари бошқариш жараёнининг машаққатини диддан ҳис қилиб, эзилиб ўтирардим.

Тантана ниҳоясига етиб, майдон-дан чиқаётганимизда Қўзйов ака кўча телевизион станциядан чиқиб, бир талай ҳамкасблар даврасида тур-ган эканлар. Гуруҳ ҳам, Қўзйов ака ҳам кўтаринки кайфиятда. Икки ой-лик узоқ изланиш ва икки соатлик то-моша машаққатларини ортада қолди-рган ижодкорнинг бахтли онлари эди бу. Ўша манзарада ўз иши ва ҳаёти-дан мамнун одамнинг қиёфаси қўри-ниб турарди.

Шу аллозда мени узоқдан кўриб, қўлларини кўтардилар.

— Қўзйов ака, зўр! — дедим қу-вонч билан.

— Ҳали кўрмадингиз-ку, — деди-лар.

Тушундим, яъни тантанани ҳали те-левизор орқали кўрмаганман.

— Яхши чиққан, ишонаман, табрик-лайман! — дедим бор овозим билан. Мени жилмайиб кузатганлар. Ҳали ҳам ўша табассумни юрагимнинг бир қатига эспайман. Қандайдир кичик сюжет тайёрлаётган бўлсам-да, ўша табассум мени таъкиб қилаверади. Элбек Мусаев, Любовь Юхнова, Ўбай Бурхон, Самад Пулатов, Баҳодир Му-ҳамедов, Лариса Иноземцева, Ўрол

Ўтаев... О, қанчалар юрагимга яқин эди бу одамлар! Қани улар бугун?..

Барча устозлар сингари шогирд-лари билан фахрланарди. Эсимда, шогирдлари Аваз Боқиев ҳақида га-пира туриб: "У мендан ўтиб кетди", дегандилар. Ўз билганларини яшир-май ўргатганлари, бағрикенгликлари боисми, кўпчилик уларга эргашарди. Шукрулло Ўбайдуллаев, Аваз Боқиев, Эргаш Мўминов, Бахтиёр Нуридди-нов, Алишер Мадррахимов, Моҳигул Ҳамроева, Эркин Исомиддинов ва яна ўнлаб ёшлар... Вафотларидан кейин "Қўзйов ака менинг ҳам устозим эди" дейишганида, "Тавба, шунча одамни ортидан эргаштириш бир одамга оғир-лик қилмаганимкин?" деган ўй кеч-ганди ҳаёлимда.

Аслида, Қўзйов ака одам ажра-тарди. Одамни одамдан ажрата би-ларди. Шогирдлар ҳалолликдан че-кинудай бўлса, исмини тилга олишга ҳам ор қилар, ҳеч гапирмасди.

Устоз шахсий ҳаётда ҳам ўз бах-тини толган инсон эди. Рафикаси Му-борак Ҳакимова узоқ йиллар "Ўзбекист-он" телеканалининг тонги дастурида маъмур бўлиб ишлаган. Турмуш ўрто-ғининг оддий одам эмас, катта шах-слигини яхши тушунар, чин дилдан ҳур-мат қилиб, эъозларди.

"Ўғилларингиз яхшими?" — деб сў-раган кезларимиз: "Уларни қариган чоғимда топдим", — деб қувонч билан гапирарди-ю, "Ўлғайганини қўрми-канман?" дея жим бўлиб қоларди.

...Одам бир кунда ўлмайди, инсон боласининг ўлими ҳам тилсим. Ҳам-мамизни — шогирдлари, ҳали нима-яқта мурғак фарзандлари-ю, жондан севган телевидениени ташлаб, Қў-зйов ака тўсатдан вафот этдилар. Пенсияга чиққан биринчи кунларнинг оқшомида бўлган бу воқеа... Телеви-дениени ҳам жуда қаттиқ севиб бўл-маскан... Шунга ҳам йигирма йилдан ортиқроқ вақт ўтибди. Жойингиз жан-натлардан бўлсин, устозим...

Нима ҳам деймиз, ҳаммамиз Ярат-ган илкдаги бир бандамиз. Ҳаёт эса қанчалик ширин, мураккаб ва сирли бўлмасин, инсонга жуда қисқа муд-датга берилган. Фақат қамдан-кам одамларгина ўзидан чиройли ва му-носиб из қолдира олади. Шогирдлар қачон учрашиб қолсак, гапларимиз, албатта, "Қўзижон ака" теварағида айланади. Хотираларга бой, ҳам су-рурли, ҳам эзгин суҳбатлардан сўнг ўйларни қоламан. Устозимга муно-сибманим? Телевидениега кўз тик-кан халққа-чи? Бизни эл-юртага та-нитган, оқ ювиб, оқ тараган телеви-дениемиз олдидаги масъулиятни ҳис қилаямизми?

Шуни унутмасак, бас.

Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА.

ТАДҚИҚОТ

Тагсарлавҳа ўша даврда онда-сонда қўлланилган бўлса ҳам, миллий матбуотимиз саҳифаларида уни ўтган асрнинг охириги 20 йили давомида Самарқанд журналистика мактаби вакили, таниқли ҳамкасбимиз, устоз Аҳмадjon Мухторов кўпроқ оммалаштирган деган фикрдаман. Очиги, бир қатор газеталар тахлamlарини кўздан кечиргач, менда шундай фикр пайдо бўлди. Сўзимни исботлаш учун битта мисол келтираман. 1982 йилда бош муҳаррир мени туманга тезкорлик билан материал тайёрлаш учун жўнатди. Махсус ишчи гуруҳ гўза парваришини назорат қилганда у ерда хўжасизликка дуч келган. Камина бориб аҳволни ўргандим, материал қилдим ва мақола номерга кетадиган бўлди. Шунда бош муҳаррир танқидий мақолам сарлавҳасини ўзгартириб, "Тўғри йўлни қўйиб, тескари юрганлар ёҳуд саратонда гўза парваришини барбод қилаётганлар" деб сарлавҳа қўйди. Яшириб ўтирмайман, ушанда Аҳмадjon ака ўйлаб топган сарлавҳа билан тагсарлавҳани мақоламдан устун қўйганман.

Фақат бугина эмас, газетамизда ҳар иккита мақоланинг биттаси тегишли тагсарлавҳа билан бериларди ва бу архивдаги тахлamlарда турибди. Ишончингизни мустаҳкамлаш учун "Зарафшон" (собиқ "Ленин йўли") газетасининг 1988 йилдаги сонларидан қуйидаги сарлавҳа ва тагсарлавҳаларни келтириб ўтмоқчиман:

"Тарбия гурунги // атеистик тарғиботни уюштириш йўлларида бири ҳақида му-лоҳаза". "Кел, бағримга босай, қадрдоним // шўравий Совет афгон дўстлигидан бир лавҳа". "Ташаббус қўллаб-қувватланса ва кенг ёйилса // ёки дуқакки дон эканларини пудрат усулида экишни ташкил қилган сове-тободлик деҳқонлар йўлида тўғоноқ бўлаёт-ган муаммолар хусусида". "Пентагоннинг сандигини // АҚШнинг Африкадаги қаллоб-лиги". "Тартибсизлик нимадан бошланади? // Автомобиль транспорти иши бугунги та-лаба мутлақо жавоб бермаяпти". "Кўза син-дирган азими? // Ёки Большевик райони-даги Самарқанд совхози директори Х.Мус-



муаллифга ёзишда, газетхонга ўқийда ёрдам беради

таевнинг буйруқбозлик ўслики". "Ҳамдард кўпун дард ариқайди // ёки инсон тақдирига бефарқлик, арзномаларга юзаки ёндашиш оқибати".

Сир эмас, ўша даврда Москва ва Тошкентда чиқадиган газеталарда ҳам тагсарлавҳа жуда кам қўйиларди. Бу услуб "Труд" ва "Аргументы и факты" газеталарида кўп ишлатиларди.

1990 йилда камина "Ўзбекистон овози" газе-тасининг Самарқанд вилояти мухбири бўлиб ишга кирдим. Эсимда, қанча мақола юборсам ҳам чоп этилишда тагсарлавҳасиз чиқиб ке-тарди. Битта "Ўзбекистон овози" эмас, бошқа газеталаримизда ҳам тагсарлавҳа деярли қў-йилмасди. Кейинчалик ўзим тахририятга бо-риб, ҳамкасбларим, тегишли бўлим муди-рлари билан суҳбатлашиб, фикримни тушу-нириб, ёзган тагсарлавҳаларини қолдиришга эришганман. Шундан сўнг "Терговчининг ха-тоси нима сабабдан руй беради? // Унинг бўлмаслиги мумкинми?" (1991 йил 4 сен-тябрь), "Чорраҳадаги чироқлар // дав-лат автоинспекциясига ҳалақит бераётган муаммолар хусусида" (1991 йил 6 февраль) каби сарлавҳа ва тагсарлавҳали мақолала-рим чоп этилди.

Ҳар қайим, ўшандан кейин бошқа мухбирлар-нинг ҳам айрим мақоалари тагсарлавҳа билан чиқадиган бўлди.

Умуман, тажриба шуни кўрсатяптики, таг-сарлавҳа авваламбор сарлавҳадаги мақсадни аниқлашда, ҳатто услубни ойдинлаштиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Эътибор қилганмисиз, агар сарлавҳа билан тагсарлавҳани аён, му-каммал қўя олсангиз, мақолаи ёзишда қийнал-майсиз.

Тагсарлавҳа ҳар бир йўналишдаги мақолада ўзига хос вазифани бажаради. Камина ўзим ё-зган мақоаларни назарда тутганлигим учун ҳам шахсий тажрибамни ўртага ташляяман. Бу жа-раён, албатта, бошқаларда бошқача кечиши мумкин.

Биринчидан, тагсарлавҳа газетхонни мушо-ҳадага чорлайди. Мисол учун, "Туркистон" (со-биқ "Ёш ленинчи") газетасининг 1986 йил 18 декабрдаги сонида босилган "Минг эшикка сарғайиб // ёки оқуш, чўртанбалиқ ва қис-қичбақа ҳақидаги масалга янгича қиёс" мақо-ламда билим юртида касб ўрганган ёшларнинг ўз йўналиши бўйича иш топиши муаммоси қў-тарилган. "Ўзбекистон овози" газетасининг 1990 йил 27 октябрдаги сонида чиққан "Арзимни ай-

тай боди сачоғи // ёки Самарқанд ҳурили-қоси нима учун ўз ошиқларининг севгисини рад этганлиги хусусида замонавий эртак" мақоламда раҳбарлар айби билан юзага келган экологик муаммоларга эътибор қаратилган. Шу газетанинг 1992 йил 25 сентябрдаги сонида эса камина "Қадриятлари сарбандими? // Ке-линг, яхшиши, бу саволга жавоб бериш учун турмуш муаммолари хусусида андак му-лоҳаза юритайлик" сарлавҳали материалда ўқувчини умуминсоний қадриятлар ҳимоясига даъват этганман.

Тагсарлавҳанинг яна бир вазифаси бу реал номуаносиблик ёки камчиликка фикрни қа-рата олишдир. "Текинхўрликми ёки мутта-ҳамлик? // Ҳамманинг жонига теккан, лекин аралашини истамайдиган "нозик масала" хусусида" ("Зарафшон", 2008 йил 18 сен-тябрь), "Қаламнинг кучи // ёҳуд ҳалол нон ҳикмати хусусида" ("Маърифат" газетаси, 2005 йил, 27 август), "Манфаатнинг мезони нима? // Маънавий қониқшиши ёки моддий неъмат?" ("Hurriyat", 2002 йил 11 октябрь) каби мақолаларда руҳиятимиздаги ҳолатлар ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Каминанинг англашича, тагсарлавҳанинг

яна бир вазифаси, бу — жойлардаги қусур-ларга мутасаддиларнинг эътиборини жалб қи-лишдир. Бу фикрга "Кичик қорхона соғин си-гирми? // Самарқанд вилоятида ишбилар-монлик тўғрисидаги қонунлар қўпол тарзда бузилаётми?" ("Ўзбекистон овози", 1992 йил 9 июнь), "Ишдан бўшатилсин // ана шундай сўзлар билан тугаган буйруқларнинг 70 фойиздан кўпроғи ғайриқонуний деб топи-ляпти?" ("Ўзбекистон овози", 1991 йил 10 ок-тябрь), "Қофирқалъа кечирармикан? // Ёки VIII асрдан бери Дарғом канали бўйида су-кут сақлаб келаётган ёдрорлик ва унга сал-бий муносабат ҳақида" ("Ўзбекистон овози", 1992 йил октябрь), "Абулқосим бобо нега тажанг? // Ёҳуд Самарқанда олти йилдан бери давом этиб келаётган бир уй-жой маш-машаси" ("Ўзбекистон овози", 1993 йил 6 май), "Талоқ қилднгими, уй ҳам топиб бер // ёки эр-хотин ўртасидаги бир уй-жой жан-жали ҳақида" ("Ўзбекистон овози, 1993 йил 23 июнь) каби мақоалар мисол бўла олади.

Тагсарлавҳа, табиийки, ахборот ёки янги-ликни шарҳлашга ҳам хизмат қилади. Бундай йўналишда ёзган мақоаларимдан бири "Оқ-соқоллар ва беминнат ҳомийлар // Самар-қанд вилоятида таълим ишини жонланти-ришга қўмак бермоқда" ("Халқ сўзи", 2002 йил 8 май) мақоламни мисол келтиришим мум-кин.

Тагсарлавҳа бугун оммалашиб, шаклланиб улгурди. "Ишонч", "XXI аср", "Янги Ўзбекистон", "Hurriyat" газеталарида биз унинг ниҳоятда чи-ройли лойиҳаларини кўряпмиз.

Шу сабабли ёш ҳамкасбларимга бу услуб-дан доимо фойдаланишни тавсия қиламан. Албатта, бунга биринчи бўлиб ўзим амал қи-ламан. Айниқса, тагсарлавҳаларда халқ ма-қоллари, ибораларидан, бадиий асарлардаги турли ташбеҳлардан фойдаланиш ўқувчи-нинг мақолага эътиборини тортиш баробарида муаллиф билими ва иқтидорини ҳам намоён этади.

Фармон ТОШЕВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган

журналист,

"Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари бош муҳаррири.

✓ АКС-САДО

ТҲЙ-МАЪРАКАДАГИ ОРТИҚЧА УДУМЛАР

ёки қачон ортиқча сарф-харажатлардан тийиламиз?

Таниқли шоира Шарифа Салимованинг 2026 йил 14 январда “Hurriyat” газетасидаги “Тўй – намойиш эмас, балки ҳуқуқий-ахлоқий келишувдир” сарлавҳали мақоласини ўқиб, куйдаги фикрларимни ёзйпман.

Қашқақдарё халқи азалдан меҳмондўст. Борсангиз, ўтқизгани жой тополмайди. Ёшу қариси бирдек иззатингизни жойига қўяди.

Ҳар бир жойнинг ўзига яраша урф-одати бор. Аммо менга Чироқчи туманидаги Аччи қишлоғининг айрим анъанаси ёқмади.

Бугунги кунда ҳамма жойда тўйлар ихчамлаштирилаётган бир пайтда гувоҳи бўлганим Аччи қишлоғида ҳамон икки кун тўй бўларкан.

Биринчи кун ийигит томондан ўн-ўн беш нафар аёллар, куёв ва жўралари қиз томонга боришди. Дастурхонга дарҳол шўрва ва ош тортилди. Ҳар бир аёлнинг олдида нон ва ширинлик қўйилди. Мато ва рўмоллар берилди. Тугунча қилиб борган аёллар тезда дастурхонга қўйилган нон ва ширинликларни тугиб олишди. Қолганлар ҳам берилган матога нонларни ўрашди. Дастурхонда деярли ҳеч вақо қолмади. Лол қолдим.

Куёв ва келин бир ой олдин ФХДЁдан ўтганлиги учун домла уларга никоҳ ўқиди. Сўнг куёв, келин ва куёвнинг жўраси чимилдиқ тутилган уйга киришди. Кайвони онахонлар уларга ойна кўрсатишди, шам ёқиб, айлантиришди. Сўнгра куёвга молнинг тўшини (илик) олиб келишди. “Тўққиз товоқ” одати бошланди.

Дастурхонга тўққизта бўлмаса-да, 5 та ликопчада ширинликлар қўйилди. Бу маросим тугагач, куёв ва жўраси товоқ учун янгаларга пул беришди. Куёвжўра дастурхондаги ширинликларни ликопчаси билан қўшиб уйдан олиб чиқиб кетди. Ликопчаларни ҳам олиши шартмиди?

Ҳовлига қилинган жойга эркаклар ва аёллар яна ўтиришди. Дастурхонга гўшт тортилди. Гўштни еб бўлгач, товоққа ҳамма пул ташлади. Бу қандай одат бўлди?

Ўша кун куёвнигида битта мол, иккита қўй сўйилди.

Эртаси кун тонг саҳарда тўртта қозон осилди. Эрталабдан кечгача қозонда пишган таомлар меҳмонларга тортилди. Аёллар товоқдаги ошдан бироз ейишиб, таомнинг устига нон қўйиб, тугунига ўрашди. Ҳар бир келган аёл биттадан товоқни олиб кетишди. Энди уй соҳиби яна янги товоқ сотиб оладими?

Хонадон соҳибасидан қизикиб сўраганимда: “Ҳар доим тўйларимизда шу ахвол. Нимаям қилардик, удумимиз-да”, деган жавобни олдим.

Кечкурун ёшларнинг базмига кекса онахонлар ик-талаб неварасини ақлаб келиб, стулга ўтириб олишибди. Узоқдан келган меҳмонларга жой тополмай хонадон соҳибаси хижолат. Аслида, ёш болачаларга кечки базмга нима бор?

Хонанда қўшиқ айтишни бошлагандан давранинг ўртаси болаларга тўлиб кетди. Ота-оналар фарзандларини назорат қилмай, ўзлари ҳам даврани ҳеч



кимга бермай роса уйнади. Столга қўйилган ноз-неъматлардан атрофда юрган болалар қўз узмайди. Даврага рақсга тушгани чиқшингиз билан болалар дастурхонни шип-чийдам қилиб кетишади. Ёки ўтириб олиб ейишди, ичимликларни ҳеч нарса кўрмагандай ююқиб ичишди ёҳуд ўғирлаб қочишди. Уялишмайди ҳам.

Мен ҳам қишлоқда улғайганман. Ёдимда, мактаб директорини Сағдилла Ибрагимов тўй бошланиши билан қўлига микрофони олиб: “Кани, ўқувчилар уй-уйига, дарс тайёрлашга! Бирортангни тўйда кўрмай! Таклифнома беришганида тўйларда юрасан! Қани келинлар, болаларингни олиб уйларингга боринглар!” дея гапирганида, ҳаммамиз тумтарақай бўлиб жўнаб қолардик. Чақалогини кўтариб ёки боласини етаклаб келиб, стулга ўтирган келинлар ҳам директорининг бу гапидан сўнг уялишиб, дарҳол жойларидан туриб кетишарди.

Эртаси кун директорини шу тўйда бирорта ўқувчини таниб қолган бўлса, эрталаб саф торганимизда (линейкада), албатта, ўша ўқувчини ҳаммамиз олдида чиқариб изза қиларди. Синф раҳбарларимиз ҳам бизларнинг тўйларга боришимизга қаршилиқ қиларди. Ҳозир ҳам, қани, шунақа мард инсонлар борми? Тўйларимизнинг файзли ўтишига ким ҳисса қўшади? Оқсоқоллар қаерга қараяпти?

Қизик, одамлар йиллаб меҳнат қилиб пулини бир кунда совуриши шартми? Икки кунлаб тўй қилиш кимга керак? Аслида, шунақа ортиқча урф-одатларни ўзимиз чиқармаялмизми? Нега чиқимни камайтириш ўрнига ўзимизни янада қийнаямиз? Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар, қишлоқ кай-вонилари нега жим? Бу ёзилмаган “урф-одатлар”ни деб қанча оила азият чекишни биласизми?

Қачонгача Чироқчида тўйларда товоқлар олиб кетилади? Бундай “урф-одатлар”ни ким назорат қилади?

Яна бир гап. Яқинда Фаргона вилояти Ўзбекистон туманининг

Ражабгарди қишлоғига бордик. Одамлари хушмуомала, меҳмондўст эканлигидан хурсанд бўлдик. Ҳаттоки уларда ҳанузгача қўшиникига меҳмон келса, ҳамсоялар бир товоқда овқат қилиб, чиқиб сийлаш, меҳмонни ўз уйларига таклиф қилиш одатлари бор экан.

Ҳамкасбим Зулфия опамнинг овсини Рокия опа ҳар кун эрталаб иккита иссиқ нон ва бир пиёла қаймоқ билан сийлади. Кечкурун ҳам ўзларига тайёрлаган таомлардан илиниб турди. Боғларида етиштирган узуму олмалардан дастурхонимизга қўйди.

Кунларнинг бирида Зулфия опам ва овсини Рокия опа яқинда вафот этган аёлининг “қирқи”га боришди. Қайтганларида қўлларидаги тугунларни кўриб ҳайратландим. Чунки улар тўйдан қайтишмаганди, азадорларнинг хонадонига боришганди.

Зулфия опам дарҳол тугунларни очди. Бирида тўрт дона нон, устида бир ховуч ширинлик (конфет), иккинчи тугунда эса нон ёпишда ишлатиладиган рапида ва енгча бор эди. Бу буюмларни кўриб, тўғриси, ажабландим.

“Бизнинг қишлоқда маъракаларда шунақа буюм тарқатилади”, деб изоҳ берди ҳамкасбим.

Ўйлаиб қолдим. Бугунги кунда битта маъракаи ўтказиш учун ҳам фалон сумма кетади. Камига етимларнинг ризини қийиб, ҳар бир борган инсонга тугунча бериб юбориш қайси мантиққа тўғри келади? Ким ўйлаб толган ўзи буюм тарқатишни? Тугунга кетган сарф-харажатни оиланинг каму кўстига сарфлашса бўлмайди? Қани бу ерда бирор мантиқ?

Самарқанд вилояти Иштихон тумани Шайхлар қишлоғида ҳам бир пайтлар вафот этган инсонларнинг яқинлари маъракасида қадоқланган кўк чой, кир совун ёки атир совун, сочиқча, пиёла каби нарсаларни тарқатишарди. Одамларнинг айримлари тарқатилган бу нарсаларни уйларига олиб кетишмасдан, йўл чеккасидаги тутлар орасига қўйиб кетишганининг гувоҳи бўлганман. Хайриятки, бугунги кунда бундай нарсаларни тарқатиш йўқ бўлди. Марҳумни қабристонга олиб кетишдан олдин пачкалаб пул тарқатиш одати ҳам бор эди. Бу “одат” деярли йўқолди. Аммо Фарғонада ҳали ҳам маъракаларда буюм тарқатиш мавжуд экан.

Аслида, нега буюм тарқатилади? Бундай қилиш қаерда ёзилган? Аза уч кун эмасми? Нега одамлар ҳанузгача ўзларини қийнаб, “етти”, “пайшанбалик”, “йигирма”, “қирқ” дея дастурхон ёзишяпти?

Айтилганлар ҳам уялмасдан азадорларникига бориб, дастурхонга шерик бўлаяпти? Нега домла-хатипларимиз шу ҳақда бонг уришмайди? Ёки айтишса ҳам одамларнинг ўзлари амал қилишмаяптими?

Азадор ўзи зурга яқинини қабристонга қўйиб келган бўлса, яна шунча кетма-кет маъракаларни ўтказиши лозиммиди? Қачон бундай бемаъни одатлардан воз кечилади?!

Хонбibi ҲИММАТ қизи, журналист.

✓ ШАРҚ



АҚШ иммиграция визасини беришни тўхтатди...

21 январь кунидан эътиборан Африка, Осиё, Лотин Америкаси, Яқин Шарқ ва Европанинг 75 та давлати фуқароларига АҚШда доимий яшаш ҳуқуқини берувчи визаларни бериш вақтинча тўхтатилади. Ушбу давлатлар қаторига Собик иттифоқнинг тўққизта мамлакати, шу жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон ҳам киради.

Оқ уй бунди иммигрантлар туфайли АҚШ зиммасига тушаётган “ижтимоий таъминот юкни” енгиллаштириш зарурияти билан изоҳламақда. Ҳужжатда бу сиёсат “юқори хавф гуруҳидаги ушбу мамлакатлардан келган иммигрантлар Қўшма Штатларда ижтимоий нафақалардан фойдаланмаслиги ва жамият учун юк бўлмаслиги” қаратилгани қайд этилган.

Зикр этилган мамлакатлар фуқароларига аввалроқ берилган ва амалда бўлган визалар ўз кучида қолади.

Давлат департаментининг таъкидлашича, ягона истисно — “агар шахс икки фуқароликка эга бўлса ва рўйхатда бўлмаган давлатнинг амалдаги паспорти билан ариза топширса”, унга виза берилиши мумкин.

Виза беришга қўйилган мораторий қанча давом этиши номаълум ва унинг муддатсиз бўлиб қолишидан хавотирлар бор.

Нима учун виза бериш тўхтатилди? Аслида, АҚШда давлат ёрдамига қарам бўлиб қолиши мумкин бўлган иммигрантларга киришни рад этиш механизмлари аллақачон мавжуд. Бу меёёр иммиграция хизматлари томонидан индивидуал тартибда кўриб чиқилади.

2025 йил ноябрь ойида АҚШ Ички хавфсизлик вазирлиги қоидаларга яна ўзгартириш киритишни таклиф қилди ва эҳтимол, январь ойи охиригача 2022 йилги “давлат учун юк” ҳақидаги юмшоқроқ қоидаларни бекор қилади.

Трамнинг иккинчи президентлик муддатининг биринчи йили иммиграция сиёсатининг кескин кучайиши билан бошланди: июнь ойида: 12 давлат фуқаролари учун кириш тўлиқ тақиқланди, декабрь ойида бу рўйхат 39 та давлатгача кенгайди.

Қочоқлар квотаси энг паст даражага — 7 500 кишига туширилди (Байден даврида 125 000 эди). Квота — бу давлат қабул қилишга мажбур бўлган сон эмас, балки рухсат этилган максимал чегарадир. Белгиланган квотадан ортиқ қочоқ қабул қилинмайди.

2025 йилда АҚШдан 605 минг киши депортация қилинган, яна 1,9 миллион киши мамлакатни ўз хоҳиши билан тарқ этган.

Янги қарор шу ёзда АҚШда бўлиб ўтадиган 2026 йилги Жаҳон чемпионатида келмоқчи бўлган футбол ишчибозларига бевосита таъсир қилмаслиги керак. Шунингдек, у сайёҳлик визаси билан қисқа муддатга келувчиларга ҳам тааллуқли эмас.

Бироқ турнирга йўлланма олган Гаити ва Эрон мухлислари ўйинлар томошасига кела олмайдилар, чунки бу давлатларга кириш тўлиқ тақиқланган. Сенегал ва кот-д’ивуарлик мухлислар эса қисман тақиқ туфайли жиддий қийинчиликларга дуч келишади.

Аброр ХОН

✓ ХОРИЖ

МОЛДОВА МДХдан ЧИҚИШ НИЯТИДА

Молдова ташқи ишлар вазирлиги мамлакатнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) таркибидан тўлиқ чиқиши жараёнини бошлади. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири маълум қилди.

Унинг айтишича, ҳозирда вазирлик МДҲни ташкил этувчи асосий ҳужжатларни бекор қилиш устида ишламоқда. Гап 1993 йил 22 январда Минскда имзоланган МДҲ низоми, 1991 йил 8 декабрдаги МДҲни тузиш тўғрисидаги битим, шунингдек, 1991 йил 22 декабрдаги унга илова ҳақида бормоқда.

“Ушбу учта асосий шартнома бекор қилиниши билан Молдова Республикаси расман МДҲ таркибидан чиқади. Бу жараён аллақачон бошланган. Биз бу қарорни яқинда қабул қилдик. Ҳозир тасдиқлаш босқичи кетмоқда”, деди мамлакат ташқи ишлар вазири Попшой.

Унинг таъкидлашича, агар қонун чиқарувчи орган учта таъсис шартномасини бекор қилишни маъқулласа ва президент уларни техник босқичлар тугагандан сўнг тасдиқласа, Молдова МДҲ аъзоси бўлмайди.

РАССОМЛАР УЧУН ЯНГИ БОШПАНА

Англиянинг Реддинг шаҳридаги собиқ қамоқхона “Ziran Educational Foundation” фонди томонидан сотиб олинди, деб маълум қилди “Weekend”.

Мазкур бинода 1895-1897 йилларда ёзувчи Оскар Уайлд ҳам жазо муддатини ўтаган.

Янги лойиҳа таъйиб ва босимга учраётган ижодкорлар учун хавфсиз макон бўлиши режалаштирилмоқда. Фонд вакиллари бу ерда санъат маркази ҳамда бутик-меҳмонхона очмоқчи.

Бу ёзда фонд реконструкция бўйича концепцияни тақдим этади: қайта қуриш жараёнида камаралар кўргазма заллари ва студияларга айлантирилади. Архитекторлар викториан даврига хос қамоқхона қиёфасини асраб, унинг оғир тарихини замонавий санъат билан уйғунлаштиришни ваъда қилмоқда.

ЭРОН ПОЛИЦИЈАСИ УЛЬТИМАТУМИ

Эрон олий полиция мулозими 19 январь куни мамлакатда давом этаётган ва ҳукумат томонидан “тартибсизликлар” деб аталаётган намойишлар иш-тироқчларига ультиматум эълон қилди. Бу ҳақда “Le Monde” хабар берди.

Миллий полиция раҳбари Аҳмад Ризо Раданнинг давлат телеканали орқали билдиришича, намойишларда иштирок этган ёшлар уч кун ичида ўз ихтиёри билан таслим бўлиши шарт. Акс ҳолда, уларга нисбатан қонуннинг барча қатъий чоралари қўрилади.

Намойишлар аввалгига 2025 йил 28 декабрь куни иқтисодий қийинчиликлар сабаб бошланган. Бироқ кейинчалик вазият сиёсий тус олиб, ҳукуматга қарши норозиликларга айланиб кетган.

Мамлакатда 11 кундан ортиқ вақтдан бери интернет узиб қўйилган. Шу сабабли воқеалар кўламини аниқлаш қийин кечмоқда. Бироқ “Iran Human Rights” (IHR) нодавлат ташкилоти хавфсизлик кучлари томонидан 3 428 нафар намойишчи ўлдирилганини тасдиқлади. Ташкилот асосчиси Маҳмуд Амирий-Моғаддам қўрбонлар сони бундан бир неча мингга кўпроқ бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирди.

Интернет хабарлари асосида Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ тайёрлади.

✓ ОЧИҚ ГАПЛАР

БИР-БИРИГА ЧИРМАШГАН МУАММОЛАР

Бугунги кунда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси энг долзарб масалалардан саналади. Кунда-кунора табиатга зарар етказиш ҳолатлари аниқланмоқда. Дарахтларни ўринсиз кесибдиҳ кечирилмас ишлар ортида, айниқса, айрим масъуллар тургани жуда ачинарли, албатта. Ҳозирги кунда қайсидир тадбиркорга қурилиш учун жой керак бўлиб қолса, даставвал у ердаги дарахтларни “қуришишга” ҳаракат қилаётган сир бўлмаса керак...

Афсуски, асрий чинорлар ҳамма-нинг кўз ўнгига кесиб кетилаётган бир пайтда қатъий чоралар қўйилмаётр. Бу борада жойлардаги экология соҳаси масъулларида журъат етишмаётгандек, назаримда. Соҳанинг расмий ахборот манбаларида хас-чўл ва ҳазонларни ёққан, чиқиндини белгиланмаган жойларга ташлаган элдошларимизга жарималар белгилангани ҳақидаги хабарлар кўп учрайди. Бироқ табиатга жиддий зиён етказган бирорта амалдор ёки тадбиркорга жазо тайинлангани ҳақида етарли маълумотларга кўзимиз кам тушади. Бундайлар жазоланган тақдирда ҳам бу ҳақдаги ахборот ёпиқлигича қолаётгани галати.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги Экология ва иқлим ўзгариши бошқармалари ва уларнинг ҳудудий бўлиmlлари белгиланмаган жойдан тупроқ ва қум қазиб олаётган кишилар тегишли жавобгарликка тортилгани хусусида деярли ҳар куни хабар тарқатади. Гўёки экология соҳасининг бундан бошқа жиддий ҳуқуқбузарликлари йўқдай. Аслида, йирик корхоналар, қурилишлар авжида кетаётган объектларда табиатга, атроф-муҳитга қанчалик зарар етказилаётгани



ўрганилса, истаганча ҳуқуқбузарликлар, жиноят ишлари ошкор бўлади. Чиқиндини белгиланмаган жойга ташлаган ва белгиланмаган жойдан қум ва тупроқ қазиб олиб жаримага тортилганлар фақат оддий аҳоли қатламига мансуб юрtdошларимиз экани таассуфланарлидир.

Мамлакатимизда ҳар бир шахс қилган ҳуқуқбузарлиги ёки жинояти учун қонун олдида жавоб бериши лозим. Лекин ана шу салбий ҳолатларни келтириб чиқараётган асосий омиллар таҳлил қилинадими?

Масалан, чиқиндини белгиланмаган жойга ташлаб кетиш, аслида, рухсат қилинмаган жойдан қум ва тупроқ қазиб олиш билан узвий боғлиқ ҳуқуқбузарлик саналади. Ҳар иккала муаммо тартиб билан йўлга қўйилса, осон бартараф қилинган бўлар эди.

Агар қишлоқ жойларига эътибор берилса, ҳар йили ариқ ва зовурлар тегишли идоралар техникалари воситасида қазилиб, тупроқ ва лойлари шун-

доққина ёқасига ташлаб кетилади. Агар бу тупроқ ёки лойлар ўз вақтида олинмаса, у яна ариқ ва зовур ичига нурайдн. Натижада сув йўллари келгуси қазув ишларига қадар баттар кўмилиб, балчиқ бўлиб қолади. Бундай ҳолатда зах сувлар ернинг юза қисмига кўтарилиб кетади. Бундай ҳолат ва тоза сувларнинг ариқларда раvon оқмай, суғориш ишларининг ёмонлашуви эса оқибатда қишлоқ ҳўжалиги тармоғининг издан чиқishi сабаб бўлади.

Яқинда Хоразм вилоятида захкашнинг муҳофаза зонасини қовлагани учун катта жарима белгилангани ҳақидаги хабарга кўзим тушди. Тўғри, расмий ҳўжжатларда рошлар муҳофаза зонаси деб белгиланган бўлиши мумкин. Аммо ҳар йили қазилаверганидан тоғдек уюлиб кетиш ҳолатидан унинг заррача муҳофазалиги ҳам қолмасдан, мавжуд сув йўллариини кўмиб юбoрувчи манба бўлиб тураверади. Шу сабабдан ҳам ариқ ва зовурлар қазилганда пайдо бўлади-

Эрпўлат БАХТ, журналист.

1-6

Мақолада жуғрофия фанининг зарурати соясида жадидчилик гоёсининг моҳияти очиб берилади: “чунки бугунги талаба, курамыз, эртага илмли аъомиз бўлурлар... ояндадаки кибормиз — бугунги гуруҳ сугиримиздин (ёш болалар, кичкиналар — Ҳ.С.) ташкил топишур керакки, бунлар ва асл замонадин ва асл замонамизни бизим бобдаки афеорларидан (яра, жароҳат — Ҳ.С.) огоҳ бўлсунлар. Аҳли замонамизни яхудий, армани ва ўзга ажнабий ҳаммамлакатларимизни тараққийи миллий ва илмий ва маданияларидин ва биз мусулмонларга қаю йўл ва сабаб ила галаба қилгонларидан беҳабар бўлуб, аларга балки мағлуб бўлмаслигимиз йўлларини, лозимдурки, билсунлар, билиб муқобала бўлмаслик қоидасинча ҳаракат қилуб, дин ва миллиятимизни сохласунлар”.

Ўзликни сақлаш йўлида ўзгаларга мағлуб бўлганимиз сабабини англамоқ, қолаверса, энди уларга ютқазмаслик, муте бўлмаслик чораларини ўйламоқ даркор. Бунинг учун мустаплакачи ҳукуматга очик карама-қарши турмай, армон бўлиб келаётган илми жамяят қурайш учун қайғурсинлар, деган хулосани айтиди. Бунинг учун ўтмишда боболар макеи қай даражада бўлганлигини кўрсатиб беради. “Замони собиқда жисмоний ва руҳоний ва маънавий қалъа ва ҳудудларимиз бор эдики, алар сабаби-ла миллат ва динимиз муҳофаза ва маросими малфуф (ҳимояланган, ўралган — Ҳ.С.) қолур эди. Ҳозирги замонга на ҳад қолди, на худуд, на қалъа қолди”.

Қисқача айтганда, публицист буюк салтанатнинг фожиасини очиб беради. Муаллифнинг маҳорати шундаки, бунда ўзаро ички ихтилофлар, илмга бефарқлик буюк давлатнинг емирилишига сабаб бўлишини далиллар билан исботлайди. Мақоланинг салмоқли бўлишида фактлар катта аҳамиятга эга. Бу фактларга публицистнинг дардли сўзлари йўрилса, у сўзлар тошни ҳам эритиб оборади. Бехудий қанчадан-қанча мамлакатлар қўлдан кетганлигини қайғу билан тасвирлайди. Мақоланинг композициясини белгиллаган жолис — суҳбатдошга мурожаат қилади: “Эй биродар, таърихи исломни қоралайдургон саҳифалари хулосасини натижасиндан сизга арз қиларманки, ер олами кетди, кетадур”.

Муаллиф Европанинг бутун Шарққа босқини соясида ўз ўлкамизнинг ҳам шу ҳолга тушганини ҳам болисар-билинмас тилга олган бўлади:

“Азиз жолисим, сизга сўйлаб турибман, фаҳмлайсизму? Ҳайҳот, ҳайҳот, умумий Осиё кутъасига 600 миллиун қадар мусулмон борки, андин 10 миллиун Осиёи сафиро ва жазиратул-Арабга сокин ва Усмонли ҳукуматиға тобеъ, 9 миллиун Эронга, 6 миллиуни Афронга, 2 миллиуни Бухоро, миллиуни Хива, 1 миллиуни Белужистон, 12 миллиуни Хайдаробод деган, 1 миллиуни Уммон ва милийундан камми Жумҳур ҳукумати исломиясига тобеъ бўлуб, бақа 50 миллиуни Хитой ва 50 миллиуни ителисга ва 50 миллиун қадари, яна 40 миллиуни Жазоир Баҳри Кабир мусулмонлари ила баробар Инглис, Франса, Каландия, Испания, Русия ва ўзга давли (давлатлар — Ҳ.С.) насрониясига тобеъ... Биз Осиёи васатий (ўрта) ва шимолӣ сокинларидан Русия давлатига тўғридан-тўғри тобеъ. Бухоро ила Хива ҳукуматлари давлатимизни химоятиғадуру. Юқорида баён бўлган ҳукумати исломияда фақат Усмонли ила Эрон давлатлари дохилий ва хорижий ишларига мустақил ва қатамаси давла нуқтадора (бўйинсунилган — Ҳ.С.) насрониянине барисини ҳамият ва нуфузига тобеъ ва эркак-хотун кабудуру”.

Публицистнинг “тўғридан-тўғри тобеъ. Бухоро ила Хива ҳукуматлари давлатимизни химоятиғадуру”, деган фикри эмас, балки “эркак-хотун кабудуру” деган гапи чор ҳукуматига “тегиб” кетади. Бехудийдан энди сиесатга аралашмайман, тавба қилдим, деган мазмунда изоҳ талаб қилишади. Лекин у тавба қилмайди: “Русияни ким ва қандоқлигини билмайдургон нодонлардан эмасмиз ва аммо “Таърих ва жуғрофия” уновонли мақоламиз таърих ва жуғрофия ўқумоқни диний жилва этдиρμοқ ва ёнчки сарф илмий ва воқеий бир мақола эди. Сиёсий ва таассубий эмас эди...”.

Бу мақоладан кейин зиёлилар орасида Бехудийга нисбатан ҳурмат янада ошади. “Охранка”да эса унга хавфсираб қарай бошлайдилар. “Хуррият — озодлик — свобода — эркинлик”,

“Государственная Дума вакиллари хусусинда”, “Дума ва Туркистон”, “Муҳораба мусулмонларга ёқарму?”, “Баёни маъзурат”, “Баёни ҳол”, “Бир афсуслик хабар”, “Қаьристонӣ муслимин”, “Қонун”, “Тавзеҳ”, “Мунозара” ҳақиқда”, “Икки эмас, тўрт тил лозим”, “Оҳ ва ҳасрат” каби мақоаларни сиёсий мазмунда эди.

1917 йил Февраль инқилобидан сўнг Маҳмудхўжа Бехбудийнинг сиёсий публицистикаси маърифий либосини ечгани кўзга ташланади. У хуррият учун курашга, кейинчалик озодлиқни

ҳамшаҳарларим, мўътабар аҳли ватаним, ҳаммангиз бир бўлуб, халқ ва диннинг ривожини бирлашуб, орадаки нафратларни ташлаб, худонинг бераан хуррият неъматидан нафъуланмоқ ҳаракатида бўлмоқ керак ва алан бизнинг бу ҳаракатсизлигимиз биздан хурриятни кеткуриб яна бошқаларга бизни асирлик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейин кетармиз ва бизнинг авлодимиз ҳамда халқи олам бизга раҳмат ўрнига лаънат ўқурлар”.



ХУРРИЯТ

БУЮК ПУБЛИЦИСТ

(Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 151 йиллиги)

сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш борасида қўллаб мақолалар ёзди. “Бухоро воқеалари ва дафъи тўхмат”, “Муҳтарам самарқандийларга холисона арз”, “Иттифоқ керак”, “Тахрири нуфус”, “Мурожаатнома”, “Очлик балоси”, “Қозоқ қариндошларимга очик хат”, “Баёни ҳақиқат” каби энг сара сиёсий мақолалари фикримизга далил бўлади.

Масалан, Февраль инқилобидан кейин ёшлар билан кексалар ўртасида можоро чиқади. Бехбудий айнан ана шу муаммони ҳал қилиш учун мақола битади. Унда дастлаб у нима сабабдан ихтилоф чиққанлигини очиб беради ва қайта иттифоқ тузишга қақиради. Барча аҳоли қатламини муроасага қақиради, ялинади: “Эй, ҳазрат уламо! Эй тужжор, аҳли касаб ва агниё! Эй, гайратлик ёшлар! Ниҳоқ ва бир-бирга душманлиқни ташланеиз. Худо ҳақки, арвоҳи анбиё ҳурмати ва бу қўнларда қорнини тўйга-зомайтургон фақари, етим ва бевалар ҳаққи бир-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамяятлар барпо қилуб, холиқ худонинг нафъига, дин ва миллат йўлига хидмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан хидмат ва яхшилик талаб этадур. Нафсоният ва гурур эмас”.

Бехбудий, одатдагидек, ибратли ҳадисни келтиради. Бу галги мисоли эса ўз ҳаётининг сабоқларидандир. Энг асосий гап — тўрт-беш киши билан тараққиётга эришиб бўлмаслигидир. “Муҳтарам ёшлар! Замон сизникидур, қарлар замони ўткан. Сиз киромга бобасират бўлуб, ўн дафъа ўлчаб бир дафъа кесингиз. Оташинлик ва тезлик ила иш бўлмас. “Ал-ақла миана-шайтон!” (Шошган шайтондандур). Бу фикрни бошингиздан чиқарингизким, сизнинг ўз бошингизга тараққий қилмогингиз мушкулдур. Балки бутун шахрингиз ва миллатингиз ила тараққий қилурсиз. Мен ҳам йиғирма йўлдан бери ҳаракат қиларманким, тараққий пайдо бўлсун. Шунн сизлар ҳам билурсизки, ўн ва йиғирма нафар ила тараққий бўлмайди ва бўлмас экан. Бинобарин, ўрта ва бу қадар имкон кўпроқ киши майл қилатургон йўл ила тараққий этмоқ керак ва унсиз бошқа чора йўқдур”.

Юқоридаги кўчирмадан яна шулар маълум бўладики, Бехбудий йиғирма йиллик ҳаракатининг самараси оз бўлганлигини, бунинг учун барча бирлашиб, ҳамфиро бўлиб курашиш лозимлигини, акс ҳолда, бугунги авлод келажак авлоднинг қарғишига қолишини айтади: “Азиз

Донишмандлар ҳар бир ишнинг хулосасини, натижасини аввалдан кўра олганлар. Бехбудийни ҳам шундай кишилар тоифасига қўшигимиз келди. Бунда у агар хурриятни қўлдан бериб қўйсак, асосан, уч хил воқеа содир бўлишини айтади: “бизни асирлик даражасига” туширади (аслида ҳам тушдик), “юз йиллар ила кейин кетармиз” (70 йил ўтди), “авлодимиз ҳамда халқи олам... раҳмат ўрнига лаънат ўқурлар”, яъни ота-боболарни биз ўнчалик айбламасак-да, улардан ҳам хато ўтганлигини англаймиз. Бу хулосалар аҳли донишларга хосдир.

Бехбудийнинг “Туркистон мухторияти” сарлавҳали мақоласи Қўқондаги воқеаларга бағишлангандир, ўзининг тили билан айтганда, “27 ноябрда Хўқандда Туркистон мухторияти умумий мусулмон сиезидида эълон қилинди. Муборак ва хабарли бўлсин! Камина ҳам мажлисда бўлиш учун ифтихор этаман! Яшасун Туркистон мухторияти”.

Ушбу мақоланинг аҳамияти шундаки, уни ўқиган киши ўша даврнинг қайноқ нафасини туйди, воқеалардан хабардор бўлади. Шунингдек, унда Бехбудийнинг ҳаяжони сезилиб турибди.

Большевиклар ҳокимиятга келгунча Бехбудий бошқача фикрда эди. Бу ҳақда “Баёни ҳақиқат” мақоласида “Биз истаймизки, Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яхудий ва бошқалар қўшилган ҳолда ўз бошларига Русияни бир парчаси ҳисобланадургон Туркистон ҳукумати таъсис этсак...” деб айтганди.

Ҳокимиятни большевиклар эгаллагач эса, бу фикридан қайтганлигини кўраимиз. Чунки у большевиклар — илгариги социалистлар партиясининг мақсадини билар, бир мақоласида уларни танқид остига ҳам олганди.

“Мусулмон мухториятчилари дейдиларки, биз ерли мухторият тилаймиз ва ҳам шуни эълон қилдук. Бизнинг ер ва амлокимизнинг тақсимида хоҳлайдургонларга бутун жон ва имонимиз ила муқобала қилурмиз...”

Илгари мухториятли жумҳурият дейилганда Россия тарихида қолиб миллий жумҳурият тузиши тушунилган бўлса, ерли мухторият дейилганда улар Россиядан бутунлай узилган мустақил давлатни тушунар эдилар. Бунга ким қарши чиқса, улар билан курашамиз дейилаётёр.

Демак, иттифоқ билан бутун Туркистон оёққа турса, Ватан мустақиллиги асраб қолиниши

таъкидланади: “... билмоқ керакки, бутун Туркистон иттифоқ этса, қон тўқилмас. Ер ва амлоқ ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам ривож топуру... Бутун Туркистон иттифоқ этса, 15 миллийўнлик бир қувват имлога келурки, мунга ер титрайдуру. Агар сўзумни фаҳмлатолган бўлсам ўзумни бахтли ҳисоблардим”.

Большевиклар таҳлиқаси қучайиб бораётган пайтда Бехбудий “Қозоқ биродарларимга очик хат” мақоласини ёзади. Мақола мурожаатнома тариқасида битилган бўлиб, Туркистоннинг бў-

ўқинмоқ фойда эмас”.

Бехбудий чўл аҳолисининг тараққийси учун шароит-йўл очиб берилишини, бунинг учун ушбу халқнинг зиёлилари бу қонунларни тузишларини, сўнгра давлатни ҳам ҳар бир халқдан вакиллар бошқаришларини англаатади:

“Шунда билинки, қозоқ ўз бошига, шаҳар халқи ва атрофи ўз бошига эл билиб, бошқа-бошқа мухторият қилмоқчи бўлганда, иккиси ҳам муддаога етмайдуру. Сиз — қозоқ қариндошларимиз ори чўлдасиз, аммо сиздан бир қўб халқлар ҳам шаҳарларда ва шаҳарлар теваариндадуру. Тирикчилик шундай нимарсаки, чўл ила шаҳар ва қишлоқ халқини бир-бирига боглазандир.

Бир-биридан ажралиб яшай олмайдуру. Шаҳар халқи ила бирлашуб, мухториятни бошқаргонда сизларга зарар келмай, балки фойда келур.

Мухториятни бошқармоқ учун ёлғуз сизда кифоят этмаганингиз каби, ёлғуз шаҳар ва шаҳар атрофидида халқ ҳам кифоят эммас, балки иккинннгда керакисиз... Хулоса: мухториятни миллат мажлиси ҳар бир халқга нафъини кўзда тутуб қонун чиқарур. Агарда сиз, қозоқ биродарлар, тургун халқидан ажралиб, ўзга мухториятдан насиб бўлмас, азбаски, куч тарқалур... Биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак — уятдуру, аҳмоқликдуру. Турк томурига болта урмоқликдуру.

Онала қозоқлар ўйласунлар, тарихга қарасунлар зиёли қозоқлар. Оврупонинг ихтилоф солиб, миллатларни ажратмоқ сиёсатиға ва иккиюзлипиға қарасунлар. Бирлашган Туркистон халқининг бўлунмоғига ўзимиз сабаб бўлмасак эди. Барча ихтилофчилар ва бошқаларда албатта зарар кўрармиз ва ихтилофимизнинг жазосини тортармиз. У кунларимиза йилгармиз, аммо фойда эмас”.

Айтиш мумкинки, Маҳмудхўжа Бехбудий большевиклар ҳукуматни эгалласа ҳар қандай шароитда ўзга халқнинг мустақил бўлиб ажралиб чиқишига йўл қўямаслигини тушунган ва шунинг учун Россиядаги алғов-дағволлардан фойдаланиб, ажралиб олиш гоёсини илгари сурган.

Бехбудийнинг сиёсий публицистикаси юрт озодлиги учун курашга бағишланган. Публицист имкони даражасида ҳаракатда бўлди, ёзди, халқни ватанпарварликка, бирликка, хурриятга чорлади. Унинг ўғитлари бугунги кунда ҳам жуда муҳимдир. Айниқса, унинг Туркистон бирлиги борасидаги фикрлари, амалий фаолияти дунёни янгидан бўлиб олишга иштиёқи қучайган империяларнинг бугунги талвасаси даврида янада аҳамиятлидир.

Бехбудийнинг сўнгги кунлари Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши ва большевиклар ҳокимиятни эгаллаганидан кейинги воқеалар билан бевосита боглиқ. Айни пайтга келиб устоз опимларимиз Беғали Қосимов, Наим Каримов ва айниқса, Сирожиiddин Аҳмедов изланишлари натижасида бу масалага анчагина ойдинлик киритилди. Бехбудийнинг ўлимига Амир Олимов ҳам унинг беқлари сабаб қилиб кўрсатилар эди. Анқиланган ҳужжатлар эса большевиклар олиб борган сиёсат натижасида жадидлар дунёдан ёрдам сураш учун Туркистондан чиқиб кетишга ҳаракат қилганиликларини кўрсатди. Мунаввар қори етакчилигидаги гуруҳ чегарада ушланиб ортага қайтарилади. Бехбудий раҳбарлигидаги гуруҳ эса Бухоро амирлиги ҳудудидан ўтаётганда ҳибсга олинади ва фитна қурбони бўлади. Бундай хулоса чиқаришга большевиклар ҳокимияти ва Бухоро амирлигидаги чор ҳукумати вакилининг ўзаро ёзимиша (телеграмма)лари асос бўлади. Лекин сопини ўзидан чиқаришга ўрганган мустамлакачи унинг ўлимига Бухоро амирини сабабчи қилиб кўрсатади ва амирлик ҳудудини эгаллаб олиш учун бундан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туркистон жадидчилик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий тавааллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қароридан кейин махсус экспедиция тузилиб, изланишлар олиб борилаётган эса-да, афсуски, буюк сиймонинг қабри ҳалигача номаълум бўлиб қолмоқда. Улуғ жадид бобомизни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!

Ҳалим САИДОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессори, филология фанлари доктори.

ТАЪЛИМ

Мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли химоя қилиш мақсадида соҳада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳарбий қисмларнинг эшиклари халқ учун, бўлажак Ватан посбонлари — ёш авлод учун кенг очилган. Истиқлол гоғларига садоқатли, ватанпарвар ҳарбий кадрлар сафи муттасил равишда кенгайиб бораётганлиги қувонarliдир. Зеро, халқимиз ҳарбийларимиз тисмолида Ватанини химоя қилишдек дунёдаги энг улугъ вазифани шараф билан адо этиб, Жалололдин Манғуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо сингари буюк аждодларимизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган юртимизнинг чинакам қалқонларини кўради.

Йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш нафақат бурч, балки шон-шараф ишига айланди. Ёшлар қалбида армия билан фахрланиш, Ватан ҳимоачисини бўлишга интилишни қучайтирмоқда.

Мустақил мамлакатимизда Қуrollи Қўчлар Олий Бош Қўмондонни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳарбий салоҳиятга эга юксак малакали кадрлар тайёрлаш борасида улкан натижаларга

ҲАРБИЙЛИККА ҲАВАС МАҚСАДГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР

эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ҳамда мазкур университет тарихидаги ҳарбий олий таълим муассасалари: Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Қуруқликдаги қўшинлар институти, Ҳарбий авиация институти, Ҳарбий тиббиёт институти, Самарқанддаги Сержантлар тайёрлаш олий мактаби фаолият кўрсатиб турибди. “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ва бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасалари профессионал кадрлар тайёрланадиган масканларга айланган. Уларда таълим жараёнига ўқитишнинг илғор рақамли технологиялари, жумладан, сунъий интеллектга асосланган замонавий баҳолаш тизимлари жорий этилгани ҳарбий кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Эътироф этиш ўринлики, юқоридаги ўқув даргоҳларини битирётган ўғонларнинг жанговар қобилиятлари ошиб, ана Ватанимизга садоқатлари чексиз даражада юксалмоқда, билимлари ортомқда. Салоҳиятли бу кадрлар давлатимизнинг чин маънодаги посбонларидир.

Бинобарин, глобаллашув ва кескин рақобат даври, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуролиш можоро ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар биздан доим огоҳ ва ҳушёр бўлишни тақозо этади. Ана шундай гоят масъулиятли вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталиқни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлаш ҳамда химоя қилишда Қуrollи Қўчларимиз, хавфсизлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Янги Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш борасидаги ишларни янада самарали ташкил этиш эса ҳар қачонгидан ҳам ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrollи Қўчлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раислигида 13 январь кунн Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилишини кузатар эканмиз, ана шундай фикрлар ҳаёлимиздан ўтди.

Келгуси истиқболга мўлжалланган

энг муҳим вазифалар белгилаб берилар экан, ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштиришга устувор эътибор қаратилди. Кейинги 9 йил мобайнида мамлакатимизда бу борада кенг қўламли янгиланишлар рўй бергани кундай равшан. Шундай бўлса-да, мамлакатимиз раҳбари кадрлар тайёрлаш тизимига эътиборни ҳар қачонгидан ҳам ошириш зарурлигини қайд этди. “Шуни унутмаслик керакки, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш армиянинг янги қиёфасини шакллантиришнинг асосий шартидир”, деди Президентимиз. Бу талаб биз каби ҳарбий таълим ўқитувчиларининг зиммасидаги масъулиятни ҳар қачонгидан ҳам оширади. Жамоамиз билан биргаликда истиқболдаги вазифаларимизни белгилаб олдик.

Ҳарбийликка иштиёқ, аслида, болалиқдан туғилади. Бунн инобатга олган ҳолда умумтаълим ва ўрта махсус мактаблари билан ҳамкорликда иш юритиб, таҳсил олаётган ёшлар орасидан қалби ҳарбий бўлиш ишчи билан жўш ураётган йигитларимизни саралаб олиш, юқорида номлари саналган ўқув даргоҳла-

рига жалб этиш ишларини қучайтиришимиз, соҳада малакали мутахассислар тайёрлашга эътиборни янада оширишимиз зарурлигини давр тақозо этмоқда. Йиғилишда аскарларга мuddатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий қисмининг ўзида олий таълим масканига ўқишга кириш учун имтиҳон топириш имконияти яратилишни қайд этилди. Эндilikда тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабаликка қабул қилнган аскарлар мuddатли ҳарбий хизмат якунланиши билан олий ўқув юртида ўқишини бошлайдиган бўлдилар. Армиядан қайтиб, олий ўқув юртларида таҳсил олмоқчи бўлган ёшларга хорижий тил ва фан сертификатн олиш харажатлари қоплаб берилиши ҳам бўлажак ҳарбийлар учун катта имконият. Агар улар олий таълим муассасасига контрактга кирса, фоииз сиз таълим кредити ажратилиши ҳар тарафлама манфаатлидир. Армиядан қайтган ёшлар бандлигини таъминлаб бўйича ҳам алоҳида имтиёзлар берилиши кўзда тутилган. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшларнинг кредит харажатининг 6 фоизи

Алишер РАХИМОВ,
Фаргона давлат университети ҳарбий таълим факультети бошлиғи, доцент,
фалсафа фанлари доктори, подполковник.
Тоҳиржон ТУРҒУНБОВ,
факультет доценти, иштейфодаги подполковник.

ШЕЪРИЯТ



ТУРКИСТОН ТУЙҒУЛАРИ

Туркистонни ўйласам — жўш уради туйғуларим.
Туркистонни ўйласам — тугамайди қайғуларим.
Туркистонни ўйласам — кўздан қочар уйқуларим,
Туркистонни ўйласам — кўп эзгу орзуларим!

Туркистон заминига меҳрин жойлаган туркийлар,
Ҳар битта гиёҳингни суйиб, авайлаган туркийлар,
То сўнги денгизгача от чоптирган туркийлар.
Не жумбоқлар калитин топтирган туркийлар.

Уйқудаги Туркистон уйғонмоқда ниҳоят,
Бир қўлнинг беш бармоғидек жипслашмоқда шояд.
92-бов туркийлар бир ёқадан чиқариб бош,
Ака-ука, опа-сингил, эл-элат,

қавм-қариндош, қардош,
Ўзбек, тожиқ, қирғиз, қозоқ, туркмандир,
Асрлар риштаси бирла битта жон, битта тандир.

Амир Тему́р отининг дупури келаётир,
Қорабайир тулпори кўпириб келаётир.
Яхши ният — ярим дунё, ярим ҳамият,
Зеро ушалғуси шундайин эзгу ният...
Орзунинг ҳеч айби йўқдир,
Эзгу иш ушалур, кўнгил тўқдир.

Туркистонни ўйласам — жўш уради туйғуларим,
Туркистонни ўйласам — тугамайди қайғуларим...

ТУРКИСТОНДА ТОНГ ОТУР

Йигирманчи асрнинг биринчи чораги,
Туркистон бошига ёғилди хусумат:
Беш қавмга бўлинди Туркистон юраги,
Шуни раво кўрмиш шўро — ҳукумат.

Элларни юз кўрмас қилиб қўйдилар,
Ёзув-хат ўзгарди, тил дудуқланди.
Саводи борларни тигсиз сўйдилар,
Ватаним деганлар қонга беланди.

Ўзбек, қозоқ, туркман, тожику қирғиз,
Гўёки ўзга юрт одами бўлди.
У кун ортда қолди, хайрият, ҳаргиз,
Бугун оға-ини топишиб олди.

Ўзлигин англади халқ миллат бўлиб,
Қадимги биродарлар бағрини очди.
Қаддини ростлади, кимлигин билиб,
Орани бузганлар инига қочди.

Туркистон жипслашиб, берди қўлга-қўл,
Беш бармоқ мушт бўлиб бирлашгани рост.
Энди топилмағай орқа томон йўл,
Ҳеч ким бу дўстликка қилолмағай қасд!

Ватан салобатин кўз-кўз қилишиб,
Туркий фуқаролар жам бўлиб дуркун,
Ахил, тотувликда ахил бўлишиб,
Бир-бирин тушунар бетилмоч, эркин.

Жадидлар қабрида тинчгина ётур,
Туркий қабилалар ахил яшагай.

Туркистон юртида ажиб тонг отур,
Бу қадимий ўлка яна яшнагай.

Беш бармоқ жуфтлашиб муштга айлангай,
Бармоқлар ажралмас, Аллоҳ қўлласин.
Туркистон юртида ажиб тонг отур,
Жадидлар қабрида тинчгина ётур...

ЮРТ ҚАДРИ

Дарбадар кезмаса ким, юрт қадрин билмас эмиш,
Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас эмиш.
Тома-тома қўл бўлур деганлари рост экан,
То умрбод уқмаса ким, ақли ҳам тўлмас эмиш.

Ватан тупроғига бош қўймагунча хаста ҳам,
Хаётдан умид ўзмай — жон таслим қилмас эмиш.
Сидқидил заҳмат бирла бахт томон очмасанг йўл,
Ўзгалар соясинда толейинг қулмас эмиш.

Мушкулни четлаб, чўчиб, осонни кўзлама ҳеч,
Эл ишидан қочса ким обрўйи қолмас эмиш.
Манманлар кўкка сапчиб, шунчалик кетар тубан,
То дакки емагунча ўзига келмас эмиш.

Имон-эътиқод ила Ватанингни сев, Барот,
Инсон зар, дунё билан бахтиёр ўлмас эмиш.

НАСТАРИН

Боғимда настарин бор,
Гуллайди ҳар илк баҳор.
Настарин гули майда,
Бундай гул бордир қайда?

Ҳар шохи бир гулдаста,
Атрига дил пайваста.
Жимжимадор гуллари,
Йинашар боғ еллари.

Настарин гул қўлимда,
Қўлимдамас, кўнглимда.
Боғимда настарин бор,
Гуллайди ҳар илк баҳор.

Барот ИСРОИЛ



Муаллиф ҳақида:

Барот ИСРОИЛ 1936 йили Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги Тошсой қишлоғида таваллуд топган.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Ўзбекистон Миллий педагогика университети)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини 1965 йилда тамомлаган.

Шоирнинг “Бойчечак”, “Най навоси”, “Настарин”, “Меҳригиёҳ”, беш жилддан иборат “Сайланма”си, “Онаизор”, “Асрийнома” сингари ўттизга яқин шеърий ва насрий китоблари чоп этилган.

“Шухрат” медали, “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ВОҚЕИЙ



FOR UCHUDAGU
XAZUNA

Мана, йигирма йилдирки, 80 ёшли Обид ота ёлғиз. Далаю дашт, қир-адир, тоғу тошлар кезади. Доривор гиёҳларни тўплаб, табибларга сотади ва шу тариқа тирикчилигини ўтказади. Қишда масжид, чойхоналарда тунаб, баҳорни қаршиласа, ёз ойларида чўпонлар ўтови ёки яйловдаги майсалар устида ухлаб, тонгни қарши олади.

Унинг болалиги Болалар уйида кечди. Ота-она дийдорини кўрмаган. Жигар-яқинларини эслаш тугул, ҳатто улар ҳақида ҳеч нарса эшитмаган. Баллоғат ёшига етгач, ҳамқишлоғи Ҳалимага уйланди. Афсуски, аёли билан салкам қирқ йил яшаса-да, фарзанд кўриш насиб этмади. Аёли оламдан ўтгач, ота бутунлай ёлғизланиб қолди. Обид ота ҳукумат берган уйини сотиб, пулини ўзи тарбияланган Болалар уйига ҳомий сифатида топширди. Кейин ўзига эрмак топди. Дала-дашддан ўт-ўлан, гиёҳ териб тирикчилик қила бошлади. Отахон камгап.

У Комилбой — сирдош ошнаси билангина дилдан суҳбат қурарди. Дўсти ҳам оламдан ўтгач, Обид ота бутунлай ёлғизланиб қолди. Қария Болалар уйига тез-тез бориб, қўлига иллинганини ташлаб, болаларни ўйнатиб, яйраб қайтади. Умрининг мазмуни ҳам шу энди. Мана, қиш ҳам тугаб, қарияга яна эрмак бошланди. Ёмғирли кунлар бўлишига қарамай, бугун ҳам у тоғтошлар бағрида кезиб юрибди. Ёмғир эса шаррос қуймоқда. Уст-боши шалabbo бўлиб, совуқдан қалтирай бошлади.

Гулхан ёқиб, исиниб олмоқчи бўлди. Шох-шабба тўплаб, арқонга боғлади, сўнг бошпанага арзигулик жой қидира бошлади. Ёғоч ҳассасига таянган ҳолда елкасидаги қопни орқага ташлаб, иккинчи қўлида ўтинни кўтарганча анча юрди. Шу пайт унинг кўзлари тоғ бағридаги унча катта бўлмаган ғорга тушди. Ҳаллослаб етиб

келиб, ичига аста бошини суқди. Қоронғиликка кўзи ўрганмадими, ҳар қалай, қоқилиб йиқилди, сўнг ўзини тиклаб, ўтирди. Кейин ўрнидан туриб, мункиллаганча гулхан ёқишга уриниб кетди. Терган нам ўтинлари ҳадеганда аланга олавермади. Гулхани аранг ёқиб, қопидан егуликларни чиқариб, ўртага ташлади. Олов тафти қарияга ҳузур бағишлади. Ажин босган қўлларини қалтиратганча анча вақт ёнаётган оловга чўзиб, ҳаёл суриб ўтирди. Ҳорнинг ичига разм солди: “Анча кенг экан”, деб қўйди ўзига-ўзи. Тамадди қилиб олгач, олов атрофида кийимларини қуритди. Шу пайт унинг кўзига ғорнинг бурчагида ғимирлаётган бир нарса чалиниб қолди. Бориб қараса, каттагина тошбақа. Уни қўлига олиб, анча вақт тикилиб ўтирди. Нон ушатиб, унинг олдига қўйди. Кейин ғор ичидан ташқарини бироз кўзатиб ўтирди. Ёмғир бир маромда ёғиб турарди. Отанинг завқи ошиб кетдими, ҳайтовур, тунни шу ерда ўтказишга қарор қилди. Барибир, борар ашиги йўқ, боз устига, ёлғизликни хуш қўради. Гиёҳлар етилишига ҳали эрта. Бу ерга келганининг боиси, қишда чойхонада роса зериккан. Ҳор ичида тошлар устида ётиб ухлашнинг иложи йўқ. Чол кучи етган жойидан кўчира олган тошларини олиб, бир томонга тера бошлади. Анча вақт тош кўчириш билан машғул бўлиб, терлаб кетди. Гулхан тафти ғор ичини иситиб юбормаса-да, файз киритгандай бўлди. Чопонини тошлар устига ёйиб, аста ёнбошлади. Қопини бошига ёстиқ қилиб ташлади. Ўй-хаёлларга берилиб, узоқ вақт бир нуқтага боқиб ётди. Шу тобда кампири билан ўтган кунларини ёдга олган бўлса, ажабмас. Ёки дўстини эсладими, ҳар қалай, хаёллар қарияни узоқ саёҳатга чорлади. Ёлғиз инсоннинг кўрган кунни қурсин. Боз устига, қарилик. Бу паллада одам ёш боладай бўлиб қоларкан.

8-6

Англадим, умрни тафаккур безар

НАВОИЙГА ЭХТИРОМ

Болаликдан шох асарлар ёд этмоқни,
Валий зотлар пок руҳларин шод этмоқни,
Ҳур ёшликдан дилбар ғазаллар битмоқни
Зукко ўсмир нидосидан ўрганайлик,
Бу ибратни фарзандларга ўргатайлик!

Бир байт ила устодларни лол этмоқни,
Ҳақ сўз ила нокас қаддин дол этмоқни,
Рақибга ҳам забонимиз бол этмоқни,
Ул донишманд даҳосидан ўрганайлик,
Бу ҳикматни авлодларга ўргатайлик!

Илм аҳлин бошин доим силамоқни,
Ҳар қимсага яхшиликлар тиламоқни,
Мазлум халқнинг аҳволига йилғамоқни,
Одил вазир нидосидан ўрганайлик,
Бу хислатни авлодларга ўргатайлик!

Дилда иймон чинорини ундирмоқни,
Қайғу келса, жисму жонни кўндирмоқни,
Ҳақ ишқида пок вужудни ёндирмоқни,
Комил муришд фатҳосидан ўрганайлик,
Бу ниятни авлодларга ўргатайлик!

Туркий тил ва туркийларни мадҳ этмоқни,
Тафаккур-ла фитналарни маҳв этмоқни,
Қалам бирла бу борлиқни фатҳ этмоқни,
Мутафаккур дунёсидан ўрганайлик,
Бу қисматни авлодларга ўргатайлик!

Бу улуг зот турк назмида Али ҳам шер,
Одаимйлик оламида валий ҳам эр,
Ушбу зотга сано айтар само ҳам ер,
Навоийнина ноёб илми ўрганайлик,
Бу ганж сеҳрин авлодларга ўргатайлик!

ШИОРИМ

Ақлим қораловчим, кўналим оқловчим,
Виждон ва тафаккур йўлга бошловчим,
Хулоса ҳукмдир ҳаётим ичра,
Заковат машғали — бахтга чорловчим.

Туғилиш умримдан бошлади эртак,
Тириклик таъбири — яхшилик этмак,
Кечмишлар бағрида улғая бордим,
Гоҳ бахтдан суюниб, гоҳ бўлдим эрмак.

Хиёнат ханжари яралади гоҳ,
Орзулар нидоси аллалади гоҳ,
Ғамларга енгилмай курашмоқ учун,
Ижод-у илмдан изладим паноҳ.

Ҳақиқат билимда, англа, биродар,
Илмининг калити дунёни очар.
Маърифат майлидан май ичмоқ фарздир,
Анеладим, умрни тафаккур безар.

БРАЙЛДАН ҲИҚМАТЛИ ИБРАТ
Кўзи оғизлар ёзуви асосчиси
Луи Брайлга

Туғилмоқ ҳикматдир, кўз юммоқ ибрат,
Азалдан тоабад этади давом.
Луи Брайлга берилган ҳикмат —
Икки юз йилдирки, дилни этар ром.

Мақсадли орзулар — бахтга ибтидо,
Донишманд дунёнинг хитобидир бу.
Олтига нуқтадан олий ихтиро,
Брайл умрининг китобидир бу.

Ҳар ёзув мағзини ёритган ҳарфи,
Тарихий шуурдан тенгсиз тилсимот.
Луи Брайлнинг яратган ҳарфи —
Олтига нуқтадан бўлди тақсимот.

Орзулар йўлида олға интилмоқ
Инсонга танерининг иноятидир.
Кемтиклик бағрида бахтга интилмоқ
Ожизга қалб кўзин ҳидоятидир.

Ҳаёт синовларин сирли йўлида,
Омад ва бахтини синайди инсон.
Брайл ёзуви илм йўлида —
Кўзи оғизларга берилган имкон.

Курашдан иборат тақдир илқида
Тафаккур сабрни қилар имтиҳон.
Диний ва дунёвий илм мулҳида —
Кўзи оғизни ҳам тан олди жаҳон.

УСТОЗЛАРИМГА

Азиз онажоним пок дуосидай
Самимий сўзингиз дилга жо этдим.
Қатъий мақсадларнинг чин дунёси деб,
Ардоқли орузга ибтидо этдим.

Рухий камолотнинг манзили сари —
Аҳд ила юрмоқни ўргандим сиздан.
Лафзида турмоқнинг нозик сирларин —
Ишонч-ла кўрмоқни ўргандим сиздан.

Дунёвий илм-ла дунёга боқиб,
Ақлу тафаккурда ҳикмат кўрмоқни.
Менга ўргатдингиз ўқиб ҳам ўқиб,
Идрок гулшанига илдам кирмоқни.

Нозик табиатга ошно қалбингиз
Меҳрдан руҳланиб, таъзим этаман.
Дилмenga жо этиб олий қадрингиз,
Содда сатрларим тақдим этаман.

ШАРҚ АЁЛЛАРИ

Кўҳна Шарқ аёллари
Ибодан кийган либос.
Ҳаёни зийнат этиш —
Осиёликларга хос.

Қулоғида сирғаси
Ипоатдан тақилган.
Вужудида меҳрдан
Учмас чироқ ёқилган.

Саховат уругини
Қадаб олган дилига.
Садоқат узугини
Тақиб олган қўлига.

Разолат уругини
Кўқартирмас кўнғилида.
Умрини фидо этар
Чин муҳаббат йўлида.

Бардоши оқиб кетмас
Синовларнинг селида.
Ҳар бир аёл бир гулдир —
Ўз беқлари қўлида.

АЛЛА
(Ўғлимга)

Сен кўзимнинг қароғисан,
Кўзичоғим, алла.
Умидимнинг чироғисан,
Овунчоғим, алла.

Орзуларим уругидан
Унган гулимсан, алла.
Мақсадларим манзилига
Элтар йўлимсан, алла.

Келажакда бир мард ўғлон
Бўлиб ўсгин, алла.
Ёзулликка ташналарга
Қўлине чўзгин, алла.

Оқ сутимни оқлайдиган
Фарзанд бўлгин, алла.
Ватан сендан рози бўлсин,
Чин мард бўлгин, алла.



Муаллиф ҳақида:

Зарина ОЛИМОВА 1984 йил Бухоро вилояти Пешку туманида туғилган.
1991-2002 йилларда Бухоро шаҳридаги 24-кўзи оғиз болалар махсус мактаб-интернатида ўқиган. Шундан сўнг Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультети бакалавр босқичини тугатгач, Навоий давлат педагогика институтининг магистратурасида таҳсил олган. Ўттиздан ортиқ илмий ва публицистик мақолалар муаллифи. Уларнинг айримлари Озарбайжон, Миср, Таиланд, Индонезия матбуотида эълон қилинган.
Муаллифнинг “Тафаккур жиполари”, “Туйғулар соҳили” деб номланган китоблари чоп этилган. Шунингдек, АҚШнинг Амазон нашриётида “The Property of the Soul” номли китоби нашрдан чиққан. Айни пайтда Бухоро шаҳридаги 45-сонли умумий ўрта таълим мактабида адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб ишлайди.

ЎЗБЕКНИ ДУНЁГА ТАНИТАЁТГАНЛАР

Мен кўп йиллар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида ишладим. Мундай қарасам, эсласанки ҳангомаларим ҳам, асосан, ўша даврга тегишли экан.

Чунончи, 1978 йил эди, шекилли, бир олим акамиз икки ой ГДРда (ўша вақтлар Германия ҳам иккита давлат — ГДР ва ГФРдан иборат эди) илмий хизмат сафарида бўлди. Қайтиб келгач, қондага кўра институт илмий кенгашида бу ҳақда ҳисобот бериш учун минбарга кўтарилиб, “Дас унд, тарақ-турук” дея немисчалаб бирон беш дақиқа бизни сарафроз айлади. Ҳаммамиз озғимизни очганча ўтирибмиз. Хайтовур, бироздан кейин биз омиларни аяди — ўз тилимизда гапиришга ўтди. Ушандан бери чет тилини ўрганган одамларга ажабланиб қарайман: дабдурустдан ўша тилда гапирвора, мен анграйиб ўтираверсам? Ўзи шунақа, чет эл ҳавосидан нафас олиб келганларнинг баъзилари ҳавойироқ бўлиб қолади.

Аммо ҳаммаси ҳам эмас экан, хайтовур.

Тўқсонинчи йил эди. Ўша Тил ва адабиёт институтида ишлаб ўтирибман. Эшик тақиллаб, бир йилит кириб келди. Таржима соҳасига қизиқишини, институтимизнинг таржима назарияси бўлими ходимлари билан танишгани келганини айтди. Афсуски, ўша куни бўлиммизда мендан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Ўтириб, у ёқ-бу ёқдан гаплашдик. У киши Хуррам Раҳимов, олмон ва ўзбек тилларининг қиёсий стилистикаси соҳасида диссертация ёқлаган фан номзоди экан.

— Э, ака, шошманг, бу... ўтган ҳафта “Адабиёт ва санъат”да Лион Измайловнинг бир ҳикояси босилди, таржимони... адашмасам, Хуррам Раҳимов эди, мабодо сиз эмасми ўша одам?

— Ҳа, ора-чурода таржима ҳам қилиб тураман, — дея қулди у.

Ўша ҳажвий ҳикоя менга жуда ёққан, таржимаси ҳам қойилмақом эди. Шунданми, гапимиз пором келиб, кечгача суҳбатлашдик. Иш вақти тугаб, уй-йўга қайтадиган бўлувдик, қарангки, хонадонларимиз ҳам анча яқин экан. Буни билгач, Хуррам ака бир пиёла чай ичиб кетарсиз, деб мени уйига қистади. Иккинчи қаватга чиқиб, уй кўнғирогини босган эди, во ажабо, биздан икки йил аввал ўқиган факультетдошим Шарифа опа Салимова эшик очиб турибди-ку! Завжаи муҳтарамаси экан Хуррам аканинг. Икки эмас, уч киши бўлиб яна хийла ўтирдик.

Ўттиз беш йил бўпти шунга! Ушандан бери ҳам шахсий, ҳам оилавий борди-келдимиз бор бу оила билан.

Ўттиз беш йиллик қадрдонлиқнинг хангомаларини, тафсилотларини, ибратларини ёзар бўлсам, росмана бир китоб бўлса керак. У кишининг фанга жонқуярлиги, чўрткесарлиги, принципаллиги, илмий масалаларда ҳеч кимга ён босмаслиги бир ён-у, дуч келган мушטיפарга ёрдам қўлини қўзиши, беворларнинг иши, илтимоси учун ҳамма ишини ташлаб, ўшанинг ғамида неча

кунлаб, неча ҳафталаб ташвиш чекишлари, сўраганки одамга қўлида борини бериб, ўзи ёрдамга муҳтож даражасига тушишлари, бир амаллаб қаддини тиклаганидан кейин эса яна ўша дўлворлиги жўмардлигини келган жойидан давом эттираверишлари... буям

ТОҒДАЙ ТАЯНЧИМ ТЎҒРИСИДА

бир ён. Агар Хуррам ака ўзини ўйлаганида, толган пулларига шахри азим Тошканднинг ўртасида олти қаватли дангиллама ҳовли, Бўстонлиғи “Тошкент денгизи” ёқларда олтига дала ҳовли қуриб олган бўлар эди. Ота эрта оламдан ўтгани боис, укалару сингиллар, жиянлару жигарларнинг суянган тоғи бўлиб бериш, уларнинг ҳар бирини оёққа қўйиш ташвишларини айтишим шартми?

Ҳой, ўзингчи ҳам ўйла, деганларга ҳам йўқ демайди, бош ирғаб маъқуллайди, ҳатто нолигандек ҳам бўлиб қўяди, бироқ ўша Хуррам, ўша Раҳимов, бошқача бўла олмайдди. Ахир айтдилар-ку, сут билан киргани жон билан чиқади, деб.

Сут деб ёздим-у, поп этиб ёдимга Хуррам аканинг онаси тушди. У кишидаги ҳалимлик, кенгбағирлик, неқбинлик, ҳар бир фарзандига алоҳида меҳр билан қараш... яна қай фазилатларини санай ҳожи онанинг? Яхши онанинг, тўғрироғи, яхши оналарнинг бир фазилати бўлади — улар боласининг ўртоғини, дўстини ҳам ўз боласи деб билади, уларга ҳам худди ўз туққан фарзандидай меҳр беради, суади, омадидан қувонади, тақдирига синоғлик кўнлар битилган бўлса, қуяди.

Нимасини айтмай, Хуррам акага дўсту биродар бўлиш шарофати билан биз ҳам яна бир она толиб эдик...

Бундай волидининг фарзанди қандай бўлади?

Йигирма йилча бурун ака Хуррам бир иш қилди. “Мен ҳар йили 4 январь куни Тошкентда, иссиққина квартирамда одамларни қақириб, тутилган кунимни нишонлайман. Ҳамма мени мақтайди. Аммо мен ўзимдан-ўзим дунёга келмаганман-ку, мени онам туққан ахир. Онам эса Жомбойда, қишлоқда ўтирибди. Шу... йўқ демасангиз, бу гал 4 январда бизнинг қишлоққа бориб, онам билан дийдорлашиб, бирга нишонлаб қайтасам?...”

Бордик. Ана суҳбат, ана дийдор!

“Алломиш” дастонида ботирнинг Бойчибор оти етти йил сафарда юриб, шунчадан сўнг

эдим.

Ўша куни тун ярмигача ўтирдик, сўнг ухладик. Аммо она-бола то тонга қадар мижжа қоқмай гаплашиб чиқишди. Мен она-боланинг бир-бирига меҳрини кўрганман, аммо Хуррам акамиз онаси билан она-болагина эмас, дўст ҳам эканини англаб, тонг қолдим ўша тонгда.

Бошимга синоғлик кўнлар тушган йиллар ёнимда бўлган ягона одам — шу одам. Бошқа гапларга ўтмай қўя қолай.

Гап хорижий тилни билган одамларнинг феъл-атвори ҳақида эди-я. Хуррам ака олмон тилини сувдай билади, десам, сувдай биладиганлар кўп, бу оддий гап бўлиб чиқади. Хуррам ака олмон тилида... шеър ёзади, бу шеърлар Германия матбуотида чоп этилган!

Хуррам ака олтмишга тўлганида Олмон юртидан Ўзбекистонга ўн икки профессор кўтлагани келган, улар филологларгина эмас, ҳар турли соҳанинг энг таниқли вакиллари экан, ёдимда қолган бирови — Тошкентда, Амир Темура майдонидаги Халқаро анжуманлар саройи бор-ку, ана ўшанинг архитектори бўлиб чиқди.

Тил билишда Хуррам аканинг фавқулдда қобилияти борлигига бир далил. Ўттиз беш йил муқаддам у киши докторантурага чиққанида, замонанинг зайли-да, бу илмий таътилни Тифлис давлат университетида ўташи белгиланади.

— Бориб қарасам, Тифлисида ҳеч ким ўрисча сўзлашмас экан, — деди у. — Яхшиямки, шанба куни борган эканман, дарров бозорга тушиб, “Русча-грузинча сўзлашгич” сотиб олдим. Ўша куни, эртаси яшанбада уриниб, “Мени сизларга докторантурага юборишди, илтимос, мени лутфан қабул қилсангиз ва тегишли бир кафедрага бириктирсангиз”, деб гуржи тилида ўзимча гап туздим-да, ёдлаб олдим.

Университет ректорининг хайҳотдай хонасига кириб борсам, узоқда, тўрда бир тепалек одам ўтирибди. Остонада туриб, киришга изн сўрайдим-да, боғли гапларимни баланд овозда айтдим. Ректор ўрнидан учиб

туриб ёнимга келди, қўлимни маҳкам қисиб сўрашди ва ёнма-ён стулга ўтириб, “Слушай”, деб гап бошлади: “Сен грузин тилини дабдала қилиб гапирдинг. Аммо сен менинг тилимда сўз бошлаганинг заҳоти, менга худди онам бошимни силаётгандай бўлиб туйилди. Раҳмат сенга,



баракалла! Бер қоғозингни, ўқиб кўрмасданок қўл қўяман!”

Гуржилар она тилини шундай эъозлашар экан...

Бундай ҳолатлар Хуррам аканинг “иккинчи она юрти” — Германияда неча марта юз берганининг саногии бормикан? Шунинг учун ҳам олмонлар “Олмон-ўзбек илмий жамияти” раҳбарлигига Хуррам Раҳимовни бир овоздан сайлашди, бу жамиятнинг журнали чиқиб туради, унга ҳам шу жонқуяр акамиз бош муҳаррир.

Хуррам аканинг уйи бизга яқин деб айтувдим-ку. Бир куни, шунчаки чақчақ суҳбатини қўмсаб бориб кўнғироқ чалсам, эшикни Хуррам ака эмас, Шарифа опа ҳам эмас, бир немис кампиришо очди. Гапимни тушунмади. Хонадон бўсағасида “Хуррам, Хуррам!” деб саломлашдик, “Хуррам, Хуррам!” деб хайрлашдик.

Кейин билсам, у опахон Хуррам аканинг немис ҳамкори экан, иккови ўзбек эртақларини олмон тилига таржима қилишга киришилган, Самарқанднинг ўнлаб қишлоқларида неча ҳафта кезиб, эртақ айтувчи кампириларнинг ўз оғзидан эшитиб ёзиб олишган экан. Дарҳақиқат, “Самарқанд эртақлари” деган китоб ўша гўянда опаларнинг, ўзбек палос, бешик ва палақларининг рангли расмлари илова қилинган ҳолда, беҳад гўзал қилиб нашр этирилди.

Тўғри, бизда немисчани биладиган одамлар кам эмас. Мактабларда неча юзлаб муаллим

болаларга бу тилни ўргатапти. Олмон тили, олмон адабиёти билан боғлиқ ҳолда илмий иш қилаётганларнинг ҳам сон-саногини билиш кишин. Улар ичида профессорлар, доцентлар талай. Аммо тил ўрганиш ва ўргатишдан мақсад — ўқитиб қўя қолиш, ҳолосми? Биз бу тилни ўргангач, эндиги ишимиз ундаги бебаҳо асарларни таржима қилиш, одамларни бу бадият ганжиналари билан бойитиш бўлиши керак эмасми? Мен ҳали фақат бадий асарлар ҳақида гапиряпман. Кант фалсафасини, Гегелни... қачон аслиятдан ўғирамиз? Тиббиёт, техника, табиий фанлар... Бу фанларга оид асарларни-чи? Қачон ўзбекча ўқиймиз?

Хуррам ака олий ўқув юртида болаларга олмон тилидан дарс беради, бу камдай, соғлиғидаги муаммоларга ҳам қўл силтаб, тунлари илмий иш билан шуғулланади, имкон топилди дегунча ўша Германиясига равона бўлади — барига улгуриш керак. Улгуради ҳам. Бутун оиласини ишга солади, шоира опамиз Шарифа Салимова, доцент қизи Гулрухни ҳол-жонига қўймай олмон асарлари таржимасига жалб этади. Оға-ини Гриммларнинг ўзбек тилида яқинда босмадан чиққан ёстиқдай келадиган эртақлар китобини кўргандирсиз, бу — Хуррам Раҳимов домла чиқарган ўттиздан ортиқ таржима китобларининг биттагинаси. У кишининг ўзи эса бу орада қайта профессионаллашиб, ўзбек фольклори асарларининг, хусусан, хозирга қадар чоп этилган деярли барча ўзбек эртақларининг олмон тилидаги коддини барпо этиш билан шуғулланиди, бунинг учун манаман деган ўзбек фольклоршуносларини ҳам ишга солади.

Тўғри, ҳамма нарсага улгуриб бўлмайди, аммо ҳиммати баланд одам кўп нарсани уудалар экан. Буни қарангки, шунча ишларни қилиб қўйган Хуррам ака тушмагур, тўрт-беш йилдан бери ўзбек мумтоз адабиёти асарларини, жумладан, Алишер Навоийнинг неча ўнлаб ғазалларини, “Муножот”ини олмон тилига ўғирди, энди эса “Хамса”нинг олмоний таржимаси билан немис дўстларини сарафроз қилмоқчи бўлиб юрибди.

Биз бадий асарларни, хусусан, шеърларни ўша иккинчи элнинг ўз вакили ўғиргани яхши, чунки бунда сўзнинг образлилиши юз беради, деб айтиб келамиз ва бу ҳақиқат. Аммо биз “иккинчи” деган тилимизда шеър ёзиб юрган одамга бу иш учун “руҳсат” берилса, тўғри бўлади, шекилли?

Ажаб, шунча вақтдан бери бу одамнинг ҳеч кимга немисча гапириб қуруқланганини кўрмадим. Бу ҳам ички маданиятнинг бир далили, албатта.

Хуррам ака, биламиз, ишингиз кўп, режаларингиз эса ундан ҳам бисёр.

Етмиш беш — олимларнинг, ижодкорларнинг етилган, қучга тўлган ёши эмиш. Сиз бўлса ҳам профессор олим, ҳам Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, етук мутаржимсиз. Бу икковини қўшсак, айни навқиронлик палласида бўлиб чиқаркансиз.

Худо қувват берсин!

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ.

FOR UCHUDAĞU XAZINA

7-6. Сал нарсани кўн-лингга олиб қоласан. Ўтган умринг кўз олдингда гавдаланаверади, тўйиб-тўйиб йиллагинг келади. Обид ота ҳозир гор ичида ётиб, шу ҳолни бошидан кечиради.

У ўрнидан туриб, қўлига пичоғини олди ва горнинг чап томонидаги тошларни чиқариб, тошбақага уя қурмоқчи бўлди. Ота билмайдик, тошбақа учун бутун тоғ уя. Пичоқнинг тошларга кучи етмади. Кейин қопидан илдиш қовлайдиган тешасини чиқариб ишга солди. Анча вақт уриниб, бир қарич чуқурликдаги тошларни олиб ташлади. Иш давомида кутилмаганда теша нимагадир тегиб, жаранглаб кетди. Қария ҳайрон бўлиб, ўша жойни яна урди. Яна темир жаранги гор ичида акс-садо берди. Отанинг қизиқиши ортиб, тез ишга киришиб, гор сирини билишга ошиқди. Майдалаб кўчира-кўчира, охири тошлар орасидан юмалоқ, оғир бир темирни чиқариб олди. Обид ота ҳам анойилардан эмас. Дарҳол пичоғини олиб, уни қиртиш-лай бошлади. Бу қандайдир кўнғироқ эди. Топилмани узоқ томоша қилиб, нималигини англай олмагач, белбоғига тугиб, кўп ўйлаб ўтирмай, қишлоғига йўл олди. Ҳансираган кўйи зилдай темирни кўтариб, қош қорай-ганда қишлоққа кириб келди. Чойхонада тунаб, тонг оттиргач, соатсознинг устохонаси томон йўл олди. Уста кўнғироқни узоқ текширди ва деди:

— Оға, бу кумуш кўнғироқни қаердан олдингиз?

— Э сўрама, тоғдан топдим, болам, — деди Обид ота ютиниб.

— Роса уч ярим кило экан вазни. Бойиб кетибсиз-ку, оға, — деди қулиб, — менга сот-майсизми?

— Қанча ақчага оласан, болам? Уста атрофга қараб олгач, эшикни маҳкам ёпди ва шивирлаб деди:

— Иккита отнинг хунини бераман, оға, розимисиз?

— Розиман, болам, бор-барака қилдим, олавер, — дея қўл силтади отахон.

Соатсоз бир даста йирик пулларни санаб, отанинг қўлига тўқазди.

Ота хурсанд. Ортидан соатсоз келиб, шивирлаб қўйди:

— Отам, туя кўрдингизми йўқ, ўрага сич-қон тушди, гулдур-гуп, — деб иккаласи қули-шиб олишди.

Обид ота ўша куни кампири ва дўстининг руҳига атаб чойхонада элга худойи ош берди. Эртасига ўзига янги уст-бош хари-д қилди. Кейин қишлоқдаги муҳтож оила-ларга, қолган пулини масжидга тақсимлаб, дуо олди.

Отанинг қидиргани шу дуо эди. Яна қўлимга пул тушса, энди Болалар уйига бераман, деб ният қилди. Лекин кўнғироқ ҳақида ҳеч кимга лом-мим демади.

Орадан кўп ўтмай, қизик воқеа рўй берди. Қишлоқдан соатсоз кўчиб кетибди, деган овоза тарқалди. Лаймашарча, соатсоз ша-ҳардан дангиллама уй, устахона сотиб ол-ганмиш, жудаям бойиб кетганмиш, уйдан ҳазина топиб олганмиш, шу каби деди-деди, миш-мишлар болалаб кетди.

Бир куни чойхонада Обид отага қариялар газета кўрсатишиб: “Ўқунг, оксоқол, бу биз-нинг соатсоз бўлади, қаранг, газетага чиқ-аришибди”, — дейишди.

— Мен саводсизман, ўқиб бера қолинг-лар, — деди қария.

— Қисқаси, бизнинг соатсоз уйининг пой-деворидан узоқ тарихга эга, ҳиндларга те-гишли кумуш кўнғироқни топиб олиб, уни жуда катта пулга ҳукуматга сотибди, қаранг, бахти бор экан, шовговинга! — дейишди мўйсифдлар.

Обид ота ютиниб қўйди ва аста сўради:

— Агар мен ҳам шундай кўнғироқча топиб

олсам, ҳукумат берган пулга Болалар уйи қу-ришга етган бўлармиди?

— Иккита Болалар уйини қурадингиз, оқ-соқол, — дейишди чойхўрлардан бири.

Обид ота ўша кунгек тоққа йўл олди. Тўхтаб-тўхтаб, дам олавериб, кечаси аранг манзилга етиб борди. Фор ичида тунаб, тонг отиши билан ишга киришди. Фор ичини бу-тунлай кўчириб кўрди, лекин бошқа ҳазина топилмади. Қариянинг ҳафсаласи пир бў-либ гордан четди. Яна бир кун тоғ бағрида ўт-ўлан териб, қишлоққа қайтди. У амин бўл-дики, азал-азалдан мозий сирларини яши-риб келаётган жойлар ҳали кўп экан. Мана шу воқеа рўй берганига ҳам бир йилдан кўп вақт ўтиб кетди.

Не-не шоҳу султонлар, бой-амалдорлар яширган ҳазиналарнинг қанчаси она ер ос-тида ётгани ҳақиқат. Қолаверса, уруш-жанг-ларда яшириб қўйилган ҳазиналар ҳам бе-ҳисоб. Фақат шоҳ-султонларгина бойликла-рини баланд тепалик, тоғу тошлар орасига яширганлар. Англияда ака-ука кўза ясовчи-лар ҳам кирда тупроқ қовлайтиб, беҳисоб ҳазина топишган.

Ўтрор, Туркистон, Сайрам бағрида ҳам ҳали кўплаб қадимий ёдгорлик ва беҳисоб ҳазиналар топилиши мумкин. Чунки бу та-рихий ва сеҳрли ўлкаларда ҳали тизимли қазилма ишлари олиб борилмаган. Ўзимиз-нинг авлиёлар макони бўлган Сайрам диё-рига кимларнинг қадами тегмади дейсиз? Не-не анбиёлар, олим-уламолар яшаб ўт-ган бу она заминимиз ҳали бизга қанчадан-қанча тарих сирларини очиб беради. Ҳазина бу фақат олтин-кумушда эмас, оддий бўл-са-да, тарих тилсимини оча олса, келажак тарихи учун янгилик ярата олса, у тарихимиз зарваракларини янада бойитади.

Ҳа, серқуёш Ватанимизнинг бағри тил-симларга бой.

Равшанбек УБАЕВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat
Mustaqil gazeta



Муассис:

Ўзбекистон

Журналистлар

уюшмаси

Бош муҳаррир

Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси

Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан

руйхатга олинган.

Адади: 4745

Буюртма — Г-144

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий

эътиборимизда.

Мақола ва хабарларда келтирилган

маълумотлар учун

муаллиф жавобгар.

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰

Топширилди — 22³⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91

Тел-факс: (71) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2183-0680

4772361068001

Обуна индекси:

якка

обуначилар ва

ташқилотлар

учун — 233

Маъзиллими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди

ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Й.Маҳмудов, Мусаҳҳиш: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.